

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 14 ноябрь куни давлат ташрифи билан Тошкентга келди. Қозоғистон етакчисини Президентимиз Шавкат Мирзиёев кутиб олди.



Қосим-Жомарт Тоқаев мамлакатимизга келгач, давлат раҳбарлари “Тошкент-Ҳумо” халқаро аэропортида суҳбат ўтказдилар.

Ўзбекистон — Қозоғистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шундан сўнг Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Олий мартабали меҳмон шарафига икки давлат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортди. Ҳарбий оркестр ижросида Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат маршлари янгради.

Президентлар Қосим-Жомарт Тоқаев ва Шавкат Мирзиёев фахрий қоровул сафидан олдин ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

Ташриф дастурига мувофиқ, 15 ноябрь куни, олий даражадаги музокаралар ҳамда Олий давлатлараро кенгашнинг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтади.

Саммит доирасида йирик қўшма лойиҳалар ишга туширилиши ва икки томонлама ҳужжатларнинг қатта тўплами имзоланиши кутилмоқда.

ЎЗА

ТОШКЕНТДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ЕТТИНЧИ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИ БЎЛИБ ЎТАДИ

15-16 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтади.

Саммитда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Туркменистон Президенти Сердар Берdimухамедов, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, шунингдек, БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Каха Имнадзе иштирок этади.

Тадбир кун тартибидан Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, устувор соҳаларда қўшма лойиҳалар ва ташаббусларни амалга ошириш масалалари ўрин олган.

Минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилади.

Маслаҳат учрашуви якунларига кўра кўп томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўплами қабул қилиниши кутилмоқда.

Минтақа давлатлари раҳбарларининг мунтазам маслаҳатлашувларини ўтказиш ташаббуси Ўзбекистон етакчиси томонидан 2017 йилнинг сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган эди.

Ўзбекистоннинг ушбу форматдаги раислиги даврида ҳамкорликнинг турли соҳаларини қамраб олувчи 20 дан ортиқ йирик тадбирлар ўтказилди.

ЎЗА

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЧИНАКАМ БИРДАМЛИК ДАВРИГА ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДА

Хорижлик экспертлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Марказий Осиё янги давр остонасида” мақоласи ҳақида

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тошкентда бўлиб ўтаётган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувига бағишлаб эълон қилинган “Марказий Осиё янги давр остонасида” сарлавҳали мақоласи хорижий эксперт ва сиёсий доираларда кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. Бундай муносабат кўп жиҳатдан минтақа етакчиларининг учрашуви ҳамда мақолада келтирилган ғоялар мажмуи ва минтақавий ҳамкорликнинг янги йўналишлари билан боғлиқ.

Хорижий таҳлилчиларнинг фикрича, Ўзбекистон етакчиси ушбу дастурий мақоласида минтақа келажакнинг яхлит манзарасини очиб берган. Мамлакатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, транспорт ва энергетика йўлакларини кенгайтириш, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича муҳим ёндашувлар илгари сурилган.



Мақолада ўзаро қўллаб-қувватлаш, очиклик ва узоқ муддатли мақсадларга йўналтирилган ягона прагматик ҳамкорлик муҳитини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Экспертларнинг баҳолашича, мақола минтақа кун тартибини шакллантириш ва кўп томонлама алоқаларнинг умумий ёндашувларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Давоми 2-бетда

16 ноябрь – Халқаро бағрикенглик куни

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Дунё ҳамжамияти ҳар йили 16 ноябрни Халқаро бағрикенглик куни сифатида кенг нишонлайди. Бу сана жаҳонда тинчлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, миллатлар ва динлар ўртасидаги мулоқотни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон эса азалдан турфа цивилизациялар чорраҳасида жойлашган, турли халқлар ва маданиятларни бирлаштирган тинчлик, дўстлик ва бағрикенглик замини сифатида ном қозонган.

Давоми 2-бетда



Биз кейинги йилларда Янги Ўзбекистонда “Инсон қадри учун” деган тамойил устувор бўлган, ижтимоий адолат таъминланган, эҳтиёжманд аҳоли самарали ҳимоя қилинган жамият барпо этмоқдамиз. Бу йўлдаги қатъий позициямиз янги Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилди ҳамда мамлакатимизнинг ижтимоий давлат сифатидаги мақоми эълон қилинди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИНСОН ҚАДРИ УСТУВОР, ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ТАЪМИНЛАНГАН ЖАМИЯТ САРИ

Очлик ва қашшоқлик кучайишидан тортиб, иқлим беқарорлигигача бўлган глобал муаммолар чуқурлашиб бораётган бир пайтда, 2025 йил 4-6 ноябрь кунлари Доҳада Ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Бутунжаҳон саммити бўлиб ўтди. Тобора ортиб бораётган тенгсизлик, демографик ўзгаришлар, жадал технологик ва экологик янгиланишлар шароитида саммит глобал мулоқот ва ҳамкорликдаги ҳаракатлар учун ғоят муҳим майдон яратди.

Қатар пойтахти Доҳада ўтказилган иккинчи Бутунжаҳон саммитида дунёнинг 40 дан ортиқ давлат ва ҳукумат раҳбарлари, 170 нафар вазир, халқаро ташкилотлар етакчилари, ёшлар ҳаракатлари лидерлари, фуқаролик жамияти вакиллари ҳамда экспертлар иштирок этди. Жами 14 мингдан зиёд иштирокчилнинг асосий эътибори ижтимоий ривожланиш масалаларини олий даражада муҳокама қилиш ва ижтимоий тараққиётга туртки бериш, бунда глобал қўламадаги барқарор ривожланиш йўлидан ҳеч ким четда қолиб кетмаслигини кафолатлаш истиқболларига қаратилди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2024 йилдаги тегишли резолюциялари билан 2025 йилда Ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Бутунжаҳон саммитини ўтказишга қарор қилинган. Бундан мақсад халқаро ҳамжамиятнинг Ижтимоий ҳимоя тўғрисидаги Копенгаген декларацияси ва Ҳаракатлар дастури ва ушбу ҳужжатлар ижросини таъминлашга содиқликни тасдиқлаш



ҳамда 2030 йилгача бўлган Барқарор ривожланиш кун тартиби бажарилишини жадаллаштиришдан иборат.

Ижтимоий ривожланиш бўйича биринчи Бутунжаҳон Копенгаген саммити якунларига назар

Копенгаген декларацияси ва Ҳаракатлар дастури дунё давлатлари раҳбарлари томонидан 1995 йили бўлиб ўтган

Ижтимоий ривожланиш бўйича биринчи Бутунжаҳон саммитида қабул қилинган. Бу ҳужжатларда ўнта мажбурият — қашшоқликни тугатиш, тўлиқ бандликни таъминлаш ҳамда инклюзив, адолатли ва барқарор жамиятлар қуришнинг асосий тамойиллари белгилаб берилган. Копенгаген декларациясининг марказида ижтимоий ҳимоя туради, зеро, у қашшоқликни камайтириш, тенглик ва умумий фаровонликни таъминлашнинг кучли воситасидир. Ижтимоий таъминот ҳуқуқини рўёбга чиқариш ва ижтимоий адолатни

қўллаб-қувватлаш учун универсал, инклюзив ва барқарор ижтимоий ҳимоя тизимларини мустаҳкамлаш лозим.

Ўтган 30 йил давомида халқаро ҳамжамият ижтимоий ривожланиш соҳасида қатор мажбуриятларни ўз зиммасига олди. Хусусан:

биринчиси, 2000 йилда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари (МРМ) қашшоқлик, соғлиқни сақлаш ва таълим масалаларини ҳал этиш учун қабул қилинди;

Давоми 3-бетда

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЧИНАКАМ БИРДАМЛИК ДАВРИГА ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Сую ТАО,
Хитой Давлат кенгаши ҳузуридаги Ижтимоий ривожланиш тадқиқотлари марказининг Евроосиё ижтимоий ривожланиш институти директори ўринбосари:

— Ўзбекистон Президенти муаллифлигидаги “Марказий Осиё” янги давр остонасида” мақоласи билан батафсил танишиб чиқдим. Дарҳақиқат, Марказий Осиё мамлакатлари ўттиз йилдан ортиқ мустақилликдан сўнг минтақавий интеграция ва ҳамкорликни ривожлантиришга улкан эътибор қаратмоқда. Минтақа мамлакатлари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган бой ресурслар ва умумий маданий меросга эга. Агар Марказий Осиё давлатлари ўзаро ҳамкорликка тизимли ва дўстона ёндашса, шубҳасиз, бутун минтақа тараққиёти йўлида катта фойда келтиради.

2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини ташкил этиш гоёси қўшни давлатлар томонидан қизгин қўллаб-қувватланган эди. 2018 йилдан бошлаб Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашувлари мунтазам ўтказила бошланди. Бундай учрашувлар доирасида қўллаб муаммолари масалалар конструктив тарзда ҳал этилди. Худудий низолар, сув тақсмоти, чегара ва бошқа долзарб масалалар Маслаҳат учрашувлари кун тартибига киритилди.

Бу ютуқлар, биринчи навбатда, иқтисодий ривожланишда ўз аксини топмоқда. Жумладан, 2022 йилдан бошлаб Марказий Осиё мамлакатларининг ялпи ички маҳсулоти кетма-кет уч йил давомида йилига 5 фоиздан ортиқ ўсишни қайд этди. Бу жаҳон иқтисодиётининг ўртача 3 фоизлик ўсиш суръатидан сезиларли даражада юқоридир. Яна бир эътиборга лойиқ ҳодиса — мамлакатлар ўртасида мувофиқлаштиришни кучайтириш, ягона бозорни шакллантириш, саноат ва таъминот занжирлари ўртасидаги узиллишларни бартараф этиш бўлди.

Шунингдек, Марказий Осиё давлатлари ўртасида узоқ йиллар давом этиб келган қатор зиддиятлар ўз ечимини топди. 2022 йилда Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида чегара ва сув масалалари бўйича можаро келиб чиқди. Бироқ бир неча



йиллик ҳамжиҳатликдаги сазй-ҳаракатлардан сўнг Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон ўртасида тегишли шартномалар имзоланиб, бу низо конструктив тарзда ҳал қилинди.

Бундан ташқари, Марказий Осиё давлатлари ташқи сиёсат соҳасида ягона мувофиқлаштирилган позицияни шакллантирди. “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи”, “Марказий Осиё — Хитой”, “Марказий Осиё — Россия” ва бошқа ҳамкорлик моделлари минтақанинг умумий салоҳиятини юксалтирмоқда.

Ўзбекистон давлат раҳбарининг мақоласи менда катта таассурот қолдирди. Бундай кенг қўламли ислохотлар бутун Марказий Осиё тарихида янги саҳифа очмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, вақт ва ҳаёт синовидан ўтган, ишончли, яхши қўшничилик ва ўзаро қўллаб-қувватлашга асосланган модел яратилмоқда.

Адам САУД,
Покистондаги Бахрия университетининг Гуманитар ва ижтимоий фанлар факультети декани, профессор:

— Ўзбекистон Президентининг “Марказий Осиё янги давр остонасида” сарлавҳали мақоласини катта қизиқиш

билан ўқиб чиқдим. Албатта, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу мақоласи ҳақида фикр билдириш ҳар бир экспертга катта масъулият юклайди. Ўзбекистон Президенти Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш, йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни, хусусан, давлат чегаралари билан боғлиқ ҳолатларни ҳал этишдаги сазй-ҳаракатларини ҳеч ким инкор этолмайди. Мақолада ана шу жиҳатлар қаламга олинган, минтақада кечаётган бугунги воқеалар, мамлакатлар ўртасида сўнгги йилларда вужудга келган яқин қўшничилик алоқалари ва мавжуд муаммолар чуқур таҳлил қилинган.

Марказий Осиё ўз тараққиётининг янги, тарихий аҳамиятга молик даврига қадам қўймоқда. Бугун чинакам бирдамлик босқичига ўтиляпти. Минтақада узоқ йиллар давомида илк бор биргаликда олдинга қараб бориш учун пойдевор бўлиб хизмат қилаётган ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва ҳурмат муҳити шаклланимоқда.

Минтақавий ҳамкорлик борасида бошланган янги босқичнинг энг муҳим ютуқларидан бири — чегара масалалари узил-кесил ҳал этилганидир. Яқин-яқингача имконсиз туюлган бу муаммонинг

ечими бугун реал ҳолатга, бир пайтлар минтақа давлатларини ажратиб турган чегаралар эса дўстлик ва ҳамкорлик кўпригига айланди. 2025 йил март ойида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида уч давлатнинг чегаралари туташган нуқта тўғрисидаги Шартнома ва Хўжанд декларациясининг имзолангани тарихий аҳамиятга молик ҳодисадир. Буни ҳақли равишда оламшумул воқеа деб аташ мумкин.

Мен ҳар сафар Ўзбекистонга борганимда улкан ўзгаришларга гувоҳ бўлман. Бу қувонарли, албатта. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Президенти нафақат Марказий Осиё минтақасини бирлаштирди, балки Марказий ва Жанубий Осиё ўзаро боғлиқлигини янада мустаҳкамлашда ҳам асосий роль ўйнамоқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Жанубий Осиё мамлакатлари, хусусан, Покистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга қаратаётган юқори эътибори мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлигини таъминлашга муҳим ҳисса бўлиб қўшилиляпти.

Президент Шавкат Мирзиёев “Янги Марказий Осиё”ни барпо этиш борасида бошланган жараён ортга қайтмас йўл эканини таъкидлар экан, минтақада тинчлик, барқарорлик ва фаровонлиқни таъминлаш йўлидаги тарихий бирлиқни асраб-авайлаш барча мамлакатлар олдидаги умумий вазифа эканини билдирди. Давлат раҳбарининг бу фикрлари Жанубий Осиё мамлакатлари учун бирдек муҳим деб ўйлайман.

Виктор КИМ,
Тожикистон Фанлар академияси Фалсафа, сиёсатшунослик ва ҳуқуқ институти илмий ходими:

— Тошкентда бўлиб ўтадиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви арафасида эълон қилинган Ўзбекистон Президентининг “Марказий Осиё янги давр остонасида” сарлавҳали мақоласи халқаро экспертлар эътиборини тортиди.

Давлат раҳбари мақолада таъкидлаганидек, Марказий Осиё ўз тараққиётининг янги, тарихий аҳамиятга молик даврига қадам қўймоқда. Бутун биз чинакам бирдамлик босқичига ўтпмиз.

Асосий фактлар, воқеалар, Марказий Осиё минтақасининг 2017 йилдан 2025 йилгача бўлган ривожланиш жараёnlари мақолада изчил, маъниқий ва аниқ

акс эттирилган. Маслаҳат учрашувлари ташкил этилган 2017 йил минтақавий ҳамкорлик тарихида муҳим бурилиш бўлди. Минтақа етакчилари илк бор ташқи воситачиларсиз тизимли ва мунтазам мулоқотни ташкил этди. Бу очик, ишончли ва умумий манфаатларни англашга асосланган янги сиёсий жараёни тақдим этди. Мазкур Маслаҳат учрашувлари давомида эски пайтдан қолган гина-қудратларга чек қўйилди, ишонсиз муносабатдан ҳақиқий ҳамкорликка ўтилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мақоласи аллақачон янги Марказий Осиёнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнини илмий идрок этишни талаб қилмоқда. Янги Марказий Осиё кифёсини белгилаб берувчи “Давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви “Марказий Осиё жараёни”, “Янги сиёсий тафаккур”, “Марказий Осиё плюс”, “Янги иқтисодий воқеалик”, “Янги минтақавий ўзига хослик” каби тушунчалар илмий ва сиёсий муомалага киритилмоқда.

Янги Марказий Осиё — ишончли, очик ва умумий манфаатларни англашга асосланган сиёсий тафаккур тимсолига айланмоқда. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг амалий ҳаракатлари минтақада тинчлик, барқарор тараққиёт ва ишончли шериклик йўлини белгилаб бермоқда. Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, девор эмас, кўприк барпо этилмоқда.

Токон МАМИТОВ,
Қирғизистон Миллий фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти директори, сиёсий фанлар доктори, профессор, таниқли сиёсатшунос:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мақоласи жадал геосиёсий ўзгаришлар даврида Марказий Осиёнинг роли тўғрисида ва ижтимоий-иқтисодий

трансформациялар бўйича минтақавий ҳамкорликнинг замонавий доктринасини шакллантирувчи фундаментал дастурий хужжатдир.

“Марказий Осиё янги давр остонасида” мақоласида стратегик қараш, тарихий реализм ва ишонч, ўзаро ҳурмат ва прагматизмга асосланган замонавий сиёсий маданият уйғунлиги намоён бўлади. Марказий Осиё том маънода барқарор ривожланиш, минтақавий жипслашув ва халқаро субектликнинг янги даврига қадам қўйди.

Ўзбекистон Президенти ҳақли равишда минтақа мисли қўрилмаган юксалишни бошдан кечириётганини таъкидламоқда. Иқтисодий кўрсаткичлар янги минтақавий иқтисодий макон шаклланаётганини тасдиқлайди. Хусусан, ЯИМнинг 2,5 баробарга ўсиши, ташқи савдони икки баробарга ошириш, ўзаро савдонинг икки, инвестицияларнинг 5,6 баробарга ортиши ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг юксак даражада ташкил этилаётганидан далолат беради.

Марказий Осиё ўз таъминот занжирлари — саноат зоналари, қўшма ГЭС ва энергетика тизимлари, транспорт йўлаклари ва логистика кластерларини шакллантирмоқда. Бу замонавий “Минтақавий ишлаб чиқариш синергияси” моделига мос келади.

Трансафгон темир йўли, “Шимол-Жануб” ва “Ўрта коридор” йўлаклари, саноат кооперацияси бўйича халқаро марказлар ташкил этиш, чегара тартиб-таомилларини соддалаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

Мақолада муҳим факт тўғри акс эттирилган: минтақа илк бор ташқи кучлар томонидан ягона сиёсий субъект сифатида қабул қилина бошланди. Ўндан ортиқ платформалар мавжуд бўлиб, улар давлат раҳбарлари, ҳукуматлар ва механизмлар ва аниқ тармоқ лойиҳалари даражасига кўтарилган. Бу Марказий Осиёнинг мустақил геосиёсий марказ сифатида эътироф этилишини англатади.

Президент Шавкат Мирзиёев асосли равишда таъкидлайди: Афғонистон — Марказий Осиёнинг периферияси эмас, балки таркибий қисмидир. Ўзбекистоннинг ёндашуви “Инклюзив хавфсизлик” тамойилгара, инфратузилма орқали иқтисодий барқарорлаштириш стратегиясига, можародан кейинги ривожланишнинг замонавий назарияларига мос келади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон раҳбарининг мақолада келтирилган стратегик аҳамиятга эга гоёлари Марказий Осиё мамлакатлари учун минтақавий миллий суверенитетни мустаҳкамлайди, тенг ҳуқуқлилигини қафолатлайди, энергетика ва сув соҳасидаги қўшма лойиҳани амалга оширади, ёшлар учун илм-фан ва таълим интеграциясини йўлга қўйди.

“Дунё” АА

16 ноябрь – Халқаро бағрикенглик куни

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ



Содиқ ТОШБОЕВ,
Дин ишлари бўйича қўмита раиси



Бошланиши 1-бетда

Бағрикенглик ва дўстлик ўлкаси

Мазкур қадрият янги Ўзбекистонда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, динлараро мулоқотни кучайтириш, виждон эркинлигини қафолатлаш, бағрикенглик гоёларини тараннум этиш, миллатлараро тотувлиқни мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир.

Ушбу сиёсатнинг ҳуқуқий ва амалий асослари узоқ йилларга мўлжалланган концепция ва стратегиялар орқали янада мустаҳкамланмоқда. Хусусан, 2025 йил 25 февралдаги Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат

муассасаси, 102 та масжид ҳамда 24 та ноисломий диний ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилди.

Шу билан бирга, Президентимиз ташаббуси билан Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ҳадис олий мактаби, Мир Аҳмад илми мадрасаси ва Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси фаолияти йўлга қўйилди.



Бу муассасаларда ёш авлодни бузгунчи гоёлардан асраш, уларни бағрикенглик руҳида тарбиялаш борасида “Ҳақолатга қарши маърифат” гоёси асосида салмоқли ишлар бажарилмоқда.

Толерантлик сиёсатининг халқаро майдондаги акс садоси

Бугун дунёда кечаётган мураккаб геосиёсий жараёнлар, тобора кучайиб бораётган қарама-қаршилик ва низолар, қуроли тўқнашувлар, терроризм ва экстремизм таҳдидлари сақланиб қолаётгани нафақат хавфсизликка, балки барқарор ривожланиш, ижтимоий ҳамжиҳатлик ва динлараро тотувликка ҳам жиддий хавф солмоқда. Ана шундай мураккаб шароитда

мамлакатимиз диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлиқни ички ва ташқи сиёсатнинг асосий тамойили сифатида белгилаб, амалда намоён этмоқда.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида Ўзбекистонда бағрикенглик сиёсатини изчил амалга ошириш, ислом маърифати ва инсонийлик гоёларини чуқур ўрганиш ҳамда уларни жаҳон ҳамжамиятига етказиш йўналишида кенг қўламли ишлар бажарилаётганини алоҳида таъкидлади.

Қисқаси, юртимизнинг диний бағрикенглик соҳасидаги сиёсатини халқаро майдонда кенг тарғиб этиш, шубҳасиз, сифат ва самара жиҳатдан янги босқичга чиқди. Ўтган қисқа муддатда Миср, Туркия, БАА, Озарбайжон, Малайзия, Саудия Арабистони, Йордания, Индонезия, Қозғистон, Тожикистон ва Қирғизистон каби давлатларнинг диний соҳага масъул вазирли ва идоралари, илмий-тадқиқот марказлари ҳамда таълим муассасалари билан 147 та ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Янги Ўзбекистон феномени

БМТнинг махсус резолюциясига кўра, ноябрнинг 16 санаси Халқаро бағрикенглик куни этиб белгиланган. Ушбу кун муносабати билан баъзи давлатларда фақат тор доирадаги тадбирлар уюштирилса, Ўзбекистонда ҳар йили анъанавий равишда “Бағрикенглик ҳафталиги” ўтказилади. Унинг доирасида мамлакат бўйлаб

илмий-маърифий ва маданий тадбирлар ташкил этилади. Бу, шубҳасиз, жамиятда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик қадриятларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳафталик доирасида жамиятимизда диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, тинчлик ва осийшланиш таъминлаш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлида самарали фаолият юритаётган турли соҳа вакилларини “Диний бағрикенглик” кўнакга нишонин билан тақдирлаш яхши ишларга айланган.

Ўзбекистоннинг “Бағрикенглик ҳафталиги” ташаббусини халқаро майдонда оммалаштириш дунё миқёсида тинчлик, тотувлик ва ўзаро ҳурмат муҳитини янада мустаҳкамлашда ижобий самара беради.

Ҳақиқатан, турли дин ва маданият вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, миллатлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш Ўзбекистон таърихисининг асосий устунидир. Бу йўналишдаги барча ташаббус халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Бағрикенглик фақат бир кунлик тадбир ёки шиор эмас, у халқимизнинг асрий анъанаси, давлат сиёсатининг муҳим йўналишидир. Зотан, бугунги шиддатли даврда инсониятни бирлаштирадиган энг муҳим қадриятлардан бири, шубҳасиз, бағрикенглик. Шу туфайли ҳар биримиз бу эзу гоёни ҳаётимизга таъбиқ этиш орқали жамиятда бағрикенглик гоёсининг янада мустаҳкамланишига ҳисса қўшайлик!



Бошланиши 1-бетда

иккинчиси, 2015 йилда Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) ишлаб чиқилди, улар янада адолатли ва барқарор келажакка эришиш йўлларини белгилаб берди; учинчиси, 2017 йилда БМТнинг Қашшоқликни тугатиш бўйича учинчи ўн йиллиги (2018-2027 йиллар) эълон қилинди. Ушбу дастур қашшоқликни тугатишга оид халқаро даражада келишилган ривожланиш мақсадларини самарали ва мувофиқлаштирилган тарзда амалга оширишга қўмаклашиш учун ишлаб чиқилди; тўртинчиси, 2021 йилда Умумий кун тартиби қабул қилинди, у янгиланган инклюзив кўп томонлама ҳамкорликка даъват этди; бешинчиси, 2024 йилда Келажақ учун битим имзоланди. У Глобал рақамли шартнома ва Келажақ авлодлар тўғрисидаги декларацияни ўз ичига олган, тинчлик ва хавфсизлик, барқарор ривожланиш, иқлим ўзгариши, рақамли ҳамкорлик, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглик, ёшлар ва келажақ авлодлар билан боғлиқ масалаларни қамрайди.

БМТ маълумотларига кўра, глобал миқёсда Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида белгиланган 137 та вазифанинг 35 фоизи режа бўйича ёки ўртача муваффақият билан бажарилмоқда. Вазифаларнинг 47 фоизи етарли даражада тез суъратда бажарилмапти, 18 фоизи бўйича эса 2015 йилдаги бошлангич кўрсаткичларга нисбатан орқага кетиш кузатишмоқда.

Барқарор ривожланиш соҳасидаги бир қанча мақсадларга эришишдаги тараққиёт нотекис ва чекланган хусусиятга эга, бироқ барча ҳудудлар ва мамлакатларда сезиларли ютуқлар қайди этилаётгани бу борада ўзгаришлар бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Копенгаген декларацияси қабул қилинганидан кейинги 30 йилда дунёда ишсизлик даражаси пасайди ва ўта қашшоқлик кўрсаткичлари икки баравар қисқарди.

Сўнгги ўттиз йил ичида 1,5 миллиард киши қашшоқликдан қутқарилиди. Хусусан, 2015 йилдан буён глобал пандемиянинг жиддий оқибатларига қарамай, бутун дунё бўйлаб ўта қашшоқлик даражаси пасайди ва ишлайдиган камбағаллар тоифасига кирувчи шахслар сони 20 миллионга қисқарди.

Соғлиқни сақлаш кўрсаткичлари ҳам яхшиланди: 2024 йилда инсон умри давомийлиги 1995 йил билан солиштирилганда 8,4 йилга ўзайиб, 73,3 ёшга етди. Бу бирламчи тиббий-санитария ёрдами, иммунизация ва касалликларга қарши кураш чоралари кенгайиши ҳамда болалар овқатланишини яхшилаш натижасидир. Дунё аҳолисининг ярмидан кўпи (52,4 фоизи) биринчи марта камда битта ижтимоий ҳимоя нафақаси билан қамраб олинди. Бу 2015 йилдаги 42,8 фоизли кўрсаткичдан юқори ҳисобланади. Урта мактабнинг юқори синфларини битираётган ёшлар улуши 2015 йилдаги 53 фоиздан 2024 йилда 60 фоизгача кўтарилди ва саводхонлик даражаси ошмоқда. Бундан ташқари, таълим соҳасида гендер тафовут изчил қисқариши кузатишмоқда.

Шундай бўлса-да, жиддий муаммолар сақланиб қолмоқда: БМТ Тараққиёт дастурининг баҳолашига кўра, тахминан 800 миллион киши ҳали ҳам ўта қашшоқликда кун кечиряпти. Дунёда бир миллиарддан ортиқ одам ҳамма камбағаллик шариотида яшаётган бўлса, 40 фоизи ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Ханузгача сезиларли тенгсизлик кузатишмоқда, бу, биринчи навбатда, аёллар ва ёшларга таъсир қилади. Таркибий тенгсизликни бартараф этиш учун иқтисодий ўсишнинг ўзи етарли эмас: у иқлим ўзгариши, демографик муаммолар ва мождарлар туфайли янада кучайтирмоқда.

Технологиялар ижтимоий бирдамлик заифлашиши ва ўзаро ишонч йўқолишини тезлаштирмоқда. Рақамли платформалар алоқани сақлаб қолди имкониятини кенгайтирса-да, айна пайтда улар дезинформация ва нафрат тилининг таъсирини кучайтирмоқда.

Ижтимоий тараққиёт бўйича иккинчи Бутунжаҳон Доҳа саммити: мазмуни ва имкониятлари

Копенгаген саммитидан кейин 30 йил ўтгач, иккинчи Бутунжаҳон Доҳа саммити ҳеч кимни ортда қолдирмаслик ва ҳар бир инсонга — ёши, қобилияти, жинси ёки келиб чиқишидан қатъи назар — муносиб яшаш ва ривожланиш имкониятини бериш бўйича янгиланган глобал қатъиятнинг амалда намоён этди.

Жаҳон етакчилари Ижтимоий тараққиёт бўйича иккинчи Бутунжаҳон саммитида Доҳа сиёсий декларациясини қабул қилиб, янада



адолатли ва инклюзив жамият қуришга глобал сарфатни тасдиқлади. Ҳужжатда таъкидланганидек, ижтимоий тараққиёт нафақат ахлоқий императив, балки тинчлик, барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг зарурий шартидир.

Саммит доирасида Ижтимоий ривожланиш бўйича ечимлар форуми муҳокамалари, Очлик ва қашшоқликка қарши кураш бўйича глобал альянс етакчиларининг биринчи йиғилиши, “Таълим — янги ижтимоий шартноманинг асоси” номли юқори даражадаги тадбир, шунингдек, Фуқаролик жамияти форуми, Хусусий сектор форуми ҳамда интерактив “Ечимлар майдони” каби муҳим тадбирлар бўлиб ўтди.

Бугунги кунда 670 миллиондан ортиқ одам очлиқдан азият чекаётган, 2,3 миллиард киши эса озик-овқат муаммосини бошдан кечиряётган бир пайтда Очлик ва қашшоқликка қарши кураш бўйича глобал альянснинг юқори даражадаги биринчи йиғилишида инқироз озик-овқат етишмовчилиги билан эмас, балки тенгсизлик, мождарлар ва нотўғри сиёсий қарорлар билан боғлиқлиги таъкидланди. Бразилиянинг “Катта йнгирматилик”даги раислиги даврида, яъни 2024 йилда ташкил этилган Глобал альянста 200 га яқин иштирокчи — ҳукуматлар, минтақавий бирлашмалар, халқаро ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари қиради. Учрашувнинг асосий мақсади — альянс ичидagi ҳамкорлиқни кучайтириш, ижтимоий ҳимояни кенгайтириш, қишлоқ ҳўжалигини қўллаб-қувватлаш ва иқлим ўзгаришига чидамли деҳқончиликка сармоя киритишдан иборат. Бу ҳукуматларнинг “барча учун ижтимоий ривожланишга эришиш мақсадида қулай иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва ҳуқуқий муҳин” яратиш бўйича мажбуриятларини тасдиқловчи глобал қаққирқидир.

Ижтимоий адолат учун глобал коалиция форумида яшаш минимумини ошириш, меҳнат соҳасидаги асосий тамойиллар ва ҳуқуқларга риоя этиш, ижтимоий мулоқотни мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоя қамровини кенгайтириш, истиқболли касб-хунар таълими тизимларини яратиш бўйича ташаббуслар қашшоқликни тугатиш, муносиб иш ўринлари очиш ҳамда ижтимоий ўзгаришлар ва ижтимоий интеграцияни рағбатлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Бугунги кунда юқори даромадли мамлакатлар ижтимоий ҳимояга (соғлиқни сақлашдан ташқари) ялли ички махсулотнинг тахминан



16 фоизини сарфлайди. Паст даромадли мамлакатларда бу харажатлар ялли ички махсулотнинг 1 фоизини ташкил этади. Бу эса инвестициялар ҳажмини ошириш зарурлигини кўрсатади. Мажбуриятларга мувофиқ, мамлакатларга қамровни ҳар йили 2 фоиз кенгайтиришга интилиш тавсия этилмоқда.

Таълим қашшоқлик халқасини узиш, муносиб иш учун зарур кўникмаларни шакллантириш, шунингдек, тенглик ва инклюзивлиқни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Эришилган ютуқларга қарамай, миллионлаб болалар ҳамон мактабга бормаяпти ва глобал инқирозлар, жумладан, мождарлар, иқлим ўзгариши, пандемиялар ва рақамли тенгсизлик машаққат билан қўлга киритилган ютуқларни йўққа чиқармоқда. Ижтимоий саммитнинг Доҳа декларациясида умр бўйи таълим олиш ёндашуви доирасида қашшоқликни қамайтириш стратегияларининг асосий таркибий қисми сифатида сифатли таълимни жорий этишга даъват мавжуд.

Доҳа декларациясида, шунингдек, келажақдаги меҳнат бозорлари учун ҳаётий аҳамиятга

эга бўлган “яшил” ва рақамли иқтисодиётга ўтиш учун зарур кўникмаларнинг муҳимлиги таъкидланган.

Доҳа сиёсий декларацияси халқаро ҳам-жамиятнинг 1995 йилги Копенгаген декларацияси ва 2030 йилгача бўлган Барқарор ривожланиш кун тартиби тамойилларига содиқлигини ва бундай ёндашувнинг давомийлигини тасдиқлайди. Декларацияда бир-бирини тўлдирувчи учта иш йўналиши ҳақида сўз юритилади. Булар қашшоқликни тугатиш, барча учун бандлик ва муносиб меҳнатни таъминлаш ҳамда янада инклюзив жамият яратишдир. Доҳа декларацияси ижтимоий



адолатни тинчлик, хавфсизлик ва инсон ҳуқуқлари билан боғлайди ҳамда иқлим ўзгаришига қарраб олган кенг қўламли, ўзаро тенгликни қамраб олган кенг қўламли, ўзаро тенглик, мождарлар ва нотўғри сиёсий қарорлар билан боғлиқлиги таъкидланди. Бразилиянинг “Катта йнгирматилик”даги раислиги даврида, яъни 2024 йилда ташкил этилган Глобал альянста 200 га яқин иштирокчи — ҳукуматлар, минтақавий бирлашмалар, халқаро ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари қиради. Учрашувнинг асосий мақсади — альянс ичидagi ҳамкорлиқни кучайтириш, ижтимоий ҳимояни кенгайтириш, қишлоқ ҳўжалигини қўллаб-қувватлаш ва иқлим ўзгаришига чидамли деҳқончиликка сармоя киритишдан иборат. Бу ҳукуматларнинг “барча учун ижтимоий ривожланишга эришиш мақсадида қулай иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва ҳуқуқий муҳин” яратиш бўйича мажбуриятларини тасдиқловчи глобал қаққирқидир.

Ушбу декларация қашшоқлик ва очликка қарши курашиш, таълим, соғлиқни сақлаш, иқлим ўзгаришларига бардошлилик ва гендер тенгликни қамраб олган кенг қўламли, ўзаро тенглик, мождарлар ва нотўғри сиёсий қарорлар билан боғлиқлиги таъкидланди. Бразилиянинг “Катта йнгирматилик”даги раислиги даврида, яъни 2024 йилда ташкил этилган Глобал альянста 200 га яқин иштирокчи — ҳукуматлар, минтақавий бирлашмалар, халқаро ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари қиради. Учрашувнинг асосий мақсади — альянс ичидagi ҳамкорлиқни кучайтириш, ижтимоий ҳимояни кенгайтириш, қишлоқ ҳўжалигини қўллаб-қувватлаш ва иқлим ўзгаришига чидамли деҳқончиликка сармоя киритишдан иборат. Бу ҳукуматларнинг “барча учун ижтимоий ривожланишга эришиш мақсадида қулай иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва ҳуқуқий муҳин” яратиш бўйича мажбуриятларини тасдиқловчи глобал қаққирқидир.

Ижтимоий адолат учун глобал коалиция форумида яшаш минимумини ошириш, меҳнат соҳасидаги асосий тамойиллар ва ҳуқуқларга риоя этиш, ижтимоий мулоқотни мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоя қамровини кенгайтириш, истиқболли касб-хунар таълими тизимларини яратиш бўйича ташаббуслар қашшоқликни тугатиш, муносиб иш ўринлари очиш ҳамда ижтимоий ўзгаришлар ва ижтимоий интеграцияни рағбатлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Бугунги кунда юқори даромадли мамлакатлар ижтимоий ҳимояга (соғлиқни сақлашдан ташқари) ялли ички махсулотнинг тахминан



Янги Ўзбекистон: глобал ижтимоий тараққиёт бўйича янги ташаббуслар

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Бутунжаҳон Доҳа саммитида сўзга чиқиб, глобал ижтимоий адолат ва барқарор тараққиётни мустаҳкамлашга қаратилган қатор тақлиф ва ташаббусларни тақдим этди. Ўзбекистон раҳбарининг нутқида айтилганидек, “Бугунги кунда ижтимоий фаровонлиқни таъминлаш, аҳоли турмушини яхшилаш борасида дунё ҳамжамияти ва миллий ҳукуматлар биргаликда ҳаракат қилаётгани эътиборга моликдир. Ўзбекистон барқарор тараққиёт сари барча халқаро ҳамкорлик форматлари ва ташаббусларини доим қўллаб-қувватлайди”.

Янги Ўзбекистонда “Инсон кадр-қиммати — олий қадрият” деган устувор тамойил қарор топаётган, ижтимоий адолат, эҳтиёжманд аҳоли қатламларини самарали ҳимоя

қилиш таъминланаётган жамият барпо этилаётгани алоҳида таъкидланди.

Дунёда мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараёнлар юз бераётган ва ўзаро ишонсизлик ортиб бораётган шароитда Ўзбекистон Президенти глобал ижтимоий сиёсатни мустаҳкамлашга қаратилган қатор янги ташаббус ва тақлифларни илгари сурди.

Биринчи ташаббус — Глобал ижтимоий адолат фондиди таъсис этиш. БМТ маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёда 1,1 миллиарддан ортиқ киши қашшоқликда ҳаёт кечирмоқда. Ўзбекистонда давлат харажатларининг 70 фоиздан ортиғи айнан Барқарор

очлик, қашшоқлик ва тенгсизлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этиш истагига мутаносибдир. Глобал альянсда иштирок этиш мамлакатга тажриба алмашиш, халқаро сармояларни жалб қилиш ва ушбу долзарб масалаларни ҳал этиш учун бошқа давлатлар ва ташкилотлар билан қўшма дастурларни амалга ошириш бўйича ноёб имкониятларни тақдим этади.

Тўртинчи ташаббус — Ўзбекистонда Мигрантлар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича халқаро форум ўтказиш ва Глобал дастур қабул қилиш. Ҳозирги кунда дунё бўйлаб 300



миллиондан ортиқ мигрант чет мамлакатларда меҳнат қилмоқда. Афсуски, уларнинг ҳуқуқлари бузилаётган ҳолатлар жуда кўп учрамоқда. Шу боис, глобаллашув шароитида хавфсиз ва қонуний миграция жараёнларини таъминлаш кўп қиррали вазифа бўлиб, жумладан, Ўзбекистон Республикаси учун ҳам турли таъсир омиллари ва уларнинг оқибатларини чуқур таҳлил қилишни тақозо этади.

Янги Ўзбекистонда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг узоқ муддатли ривожланиш йўналишини белгилайдиган кенг қўламли ўзгаришлар жараёни, шу жумладан, меҳнат бозори, айниқса, ташки меҳнат миграцияси соҳасидаги ислохотлар бошланиб кетди. Янги тақрирдаги Конституциямизга киритилган ўзгаришлар бунинг исботидир. Ушбу янгиланишларнинг мақсади мамлакат фуқароларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини кучайтиришдан иборат.

Фуқаролар учун миграция жараёнининг хавфсизлиги, қонунийлиги ва қўлайлигини таъминлашнинг ноёб механизми яратилди. У уч асосий йўналишни ўз ичига олади. Бу ўринда фуқароларни тайёрлаш, уларга тил ва касб-хунар ўргатиш; хорижда меҳнат мигранти сифатида бўлган ватандошларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш; меҳнат миграциясидан қайтиб келган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳаётга қайта мослашиш, хусусан, ижтимоий муҳитга қўйилиши учун шариот яратиш йўналишлари ҳақида сўз бормоқда.

Сифатли таълим инсон капиталини ривожлантириш ва узоқ муддатли истиқболда камбағалликни қамайтиришнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб қолaveraди. Болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 27 фоиздан 78 фоизга оширилиши натижасида 1 миллион аёлга ўз билимини ошириш, касб-хунар эгаллаш ва даромад топиш имконияти яратилди. Сўнгги беш йил давомида 800 мингдан ортиқ фуқаро замонавий касбларга ўқитилди ва юқори даромадли ишларга жойлаштирилди. Педагогларнинг тажриба ва билим алмашиши учун ягона халқаро платформа яратиш мақсадида Ўзбекистонда Жаҳон касб-хунар таълими саммитини ўтказиш тақлиф этилмоқда.

Бешинчи ташаббус — БМТ резолюцияси билан экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилинган Оролбўйи минтақасида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги моделини ишга тушириш. Экстремал об-ҳаво, чўлланиш ва биологик хилма-хилликнинг йўқолиши, аввало, аҳолининг заиф қатламлари, фермерлар, мавсумий ишчилар ва экологик жиҳатдан мураккаб вазиятдаги ҳудудлар аҳолиси ҳаётига салбий таъсир кўрсатмоқда. Иқлим ўзгаришига қарши курашни бандлик дастурлари билан уйғунлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилиш ишхотда долзарб вазифадир.

2024 йилда илк бор жаҳонда ўртacha ҳарорат Цельсий шкаласи бўйича бир ярим даражадан кўпроқ ошиб, сўнгги ўн йиллик метеокузатвар тарихидаги энг иссиқ давр бўлди. Натижада бутун барчамиз иқлим инқирозларининг салбий таъсирини ҳис этмоқдамиз — ўрмон ёнғинлари ва чўлланиш миқёси кенгайиши, музликлар қисқариши, сув ресурслари тақчиллиги кучайиши, ҳаво сифати ёмонлашуви кузатишмоқда.

Шу муносабат билан Оролбўйи экотизимини қайта тиклаш бўйича фаол ишлар қилинмоқда. Сўнгги йилларда Орол дентизининг қуриган тудби 2 миллион гектар майдонни

қамраб олган шўрга чидамли чўл ўсимликлари экилди. 2030 йилга келиб, бутун ҳудуднинг 80 фоизигача майдони яшил ўсимликлар билан қопланади.

Марказий Осиё мамлакатлари томонидан Иқлим ўзгаришига мослашиш стратегияси ишлаб чиқилиб, бир овоздан маъқулланди. Ўзбекистон Орол дентизи қуришининг оқибатларини юмшатиш, сувдан оқилона фойдаланиш, “тоза” энергия манбалари улушини кенгайтириш дастурлари доирасида халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Деградацияга учраган ер майдонини қисқартириш ва иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш мақсадида “Яшил макон” лойиҳаси доирасида кенг қўламли кўкалмазорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Президентиимизнинг ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Бутунжаҳон саммитидаги иштироки асосида янги Ўзбекистонда ёшлар сиёсати нечоғлиқ муҳим экани яна бир бор таъкидланди. Сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясида сўзга чиққан Ўзбекистон раҳбари қароргоҳи Тошкент шаҳрида жойлашган Тинчлик учун бутунжаҳон ёшлар ҳаракатини тузиш ташаббусини илгари сурган эди. БМТнинг “Ёшлар — 2030” стратегиясини фаол амалга ошираётган ўнта давлат қаторига қирган мамлакатимиз ёшлар сиёсатидаги тараққиётда етакчилик қилмоқда.

Ўзбекистон Президенти яна бир бор “Халқаро тараққиёт йўлида ижтимоий келишувни янгиллаш, ҳар бир инсон учун муносиб ҳаёт тарзини яратиш” зарурлигини таъкидлади. Ўзбекистон Доҳа сиёсий декларациясини тўлиқ қўллаб-қувватлади ва уни амалга оширишда фаол иштирок этишга тайёрлигини билдирди.

Янги Ўзбекистон — конституциявий ижтимоий давлат

Янги тақрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ижтимоий давлат принципи мустаҳкамланди. Хусусан, унда давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаши, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиши, камбағалликни қисқартириш чораларини қўриши, фуқароларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиши ҳамда рағбатлантириши белгилаб қўйилган.

Камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий ҳимоя бўйича асосий вазифалар ҳамда чора-тадбирлар қонунийлик ва давлат стратегияларида ўз аксини топган. Жумладан, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ушбу фаолиятни юритиш мақсадида илгари 6 та давлат ташкилотига юклатилган ваколатларни бирлаштириш асосида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва “Инсон” ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилди.

Муҳими, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясига мувофиқ, 2026 йилга келиб, камбағаллик даражасини 2022 йилдагидан икки баравар қамайтириш, 2030 йилга бориб эса камбағалликка тушиб ҳавфи остида бўлган 4,5 миллион кишининг даромадини ошириш ва ижтимоий шериклик асосида 500 минг малкаали мутахассис тайёрлаш режалаштирилган.

Сўнгги 8 йилда мамлакатимизда 7 миллиондан ортиқ аҳоли камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражаси 35 фоиздан 6,6 фоизга тушди. Фақатгина жорий йилнинг ўзида 2 миллион 700 минг фуқарога ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатилди. Жумладан, парваришга муҳтож камбағал оила аъзолари учун янги турдаги ижтимоий хизматлар йўлга қўйилди, шунингдек, меҳнатга лаёқатли 50 минг фуқаро иш билан таъминланди.

Дунёга тобора очилаётган, жадал ижтимоий ислохотлар йўлидан бораётган янги Ўзбекистон “давлат — халқ уюми” тамойилига қатъий амал қилиб, глобал ўзгаришларнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Мамлакатимиз Барқарор ривожланиш мақсадларининг глобал индекси бўйича энг илгор бешта давлат қаторига кирди. БРМга эришиш доирасида БМТ билан ҳамкорлигининг янги беш йиллик дастури имзоланди. Халқаро ҳамкорлар билан биргаликда сайёравий миқёсда қатор тадбирлар, хусусан, “Ижтимоий ривожланиш ва адолат йўлида парламент ҳаракатлари” мавзусида Парламентлараро иттифоқнинг 150-ассамблеяси, “Камбағалликдан фаровонлик сари” III халқаро форуми, Самарқанд халқаро иқлим форуми ўтказилди.

Бугунги кунда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш, рақамли трансформацияни илгари суриш, давлат хизматларини кўрсатишда инновацион ечимларни қўллаш, давлат бошқаруви институтлари самарадорлигини тубдан ошириш бўйича илгор халқаро тажриба алмашиш ҳар қанонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. БМТга аъзо давлатлар Келажақ учун пактни қабул қилиш ва янада инклюзив ҳамда самарали тизим асосида “кўп томонламалиқнинг янги асосини яратиш” мажбуриятини олиш орқали бирдамликни мустаҳкамлаш учун қадам қўйди.

Иккинчи Бутунжаҳон Доҳа саммити яқунлари шуни кўрсатмоқдаки, ушбу учрашув сиёсат масалалари бўйича янги глобал консенсусга эришиш, мажбуриятларни мустаҳкамлаш ва тенглик, бирдамлик ҳамда умумий фаровонликка барқарор ўтиш учун асос яратиш йўлида кўп томонлама ҳамкорлиқни ривожлантиришда таъсирчан туртки бўлади. Бинобарин, инсон салоҳиятига сармоя киритиш ва асосий хизматлардан барча фойдаланувчилар таъминлаш учун сиёсий иродани сафарбар этиш камбағалликка барҳам бериш, тенгсизликни қамайтириш ва ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмасликнинг қалитидир.

Нуктаи назар



Ҳозир ҳар бир давлат иқтисодий, инвестициявий ҳамда стратегик қарорлар орқали дунёдаги мавқеини белгилашга интиляпти. Глобал рақобат ва логистика тизимидаги ўзилишлар ҳар бир мамлакат учун нафақат ички сиёсат, балки минтақавий ҳамкорлик ва халқаро инвестиция муҳитидаги фаол иштирокнинг аҳамиятини кучайтирмоқда. Шунингдек, иқтисодий фаровонлик ва устуворлик энди ресурслар ва салоҳият билан бирга амалий ҳамкорлик ва стратегик интеграцияга ҳам боғлиқ.

Барқарор ривожланиш ва янги имкони-ятлар яратиш фақат молиявий натижалар билан чекланмайди. Бу жараёнда ишонч-га асосланган шериклик, инновациялар ва глобал тажрибаларни ўзаро уйғунлашти-риш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир лойиҳа, инвестиция ва ҳамкорлик нафақат иқтисо-дий дивидендлар, балки инсон салоҳияти-ни ошириш, янги иш ўринлари очиш ва за-монавий турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 4-6 ноябрь кунлари АҚШга амалий ташири-орқали ўзаро ишонч мустаҳкамланиб, узоқ муддатли стратегик келишувлар белгиланди ва икки мамлакат иқтисодий ҳамкорлиги-ни ривожлантириш учун янги имкони-ятлар очилмоқда.

Жаҳон билан бўйлашаётган Ўзбекистон-нинг ўсиш модели энди ички салоҳият билан бирга халқаро ҳамкорлик ва глобал ин-вестиция муҳитида ҳам тубдан шаклланипти. АҚШлик инвесторлар билан ҳамкорликдаги лойиҳалар замон талабларига мос ва кела-жак учун муҳим қадамлар бўлиб, икки дав-лат муносабатларида янги саҳифа очмоқда.

Иқтисодиётда янги марказлар пайдо бў-либ, транспорт ва логистика йўналишлари қайта шаклланимоқда. Дипломатик майдонда эса янги тенглик ва шериклик механизм-лари қўлланиётган жараёнда Марказий Осиё-га дунё эътибори янада кўп қаратилмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ: ЎЗАРО ИШОНЧ ВА АМАЛИЙ НАТИЖАГА ТАЯНГАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК МОДЕЛИ

Тарихан Шарқ ва Ғарбни боғлаб турган, ци-вилзациялар мулоқотининг муҳим нуқтаси сифатида машҳур бўлган бу замин глобал янгиланиш жараёнида ўзини фаол иштирок-чи сифатида намоён қилмоқда.

“C5+1” форматига айнан шу жараён-нинг амалий ифодаси сифатида қаралади. Бу механизм нафақат сиёсий мулоқот учун майдон, балки иқтисодий интеграция ва барқарор ривожланишни таъминлайдиган институционал платформага айланмоқда. Формат доирасида АҚШ етакчилигида Марказий Осиё давлатлари тенг ҳуқуқли ва барқарор шериклини амалга ошир-моқда. Бу жараёнда энг муҳим жиҳат ҳар бир давлат ўз мустақил сиёсий ва иқтисо-дий позициясини сақлаб қолиши бараба-рида умумий мақсад — минтақавий барқ-арорлик ва глобал рақобатга тайёрийликка эришишга қаратилган.

Саммит доирасида Президентимиз бу форматни чуқурлаштириш ва самара-дорлигини ошириш бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди. Масалан, доимий фаолият юритадиган Котибият ҳамда вазирлар даражасидаги Инвестиция-лар ва савдо бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ташкил этилиши саммитларни расмий учрашувдан амалий натижа берув-чи тизимга айлантиришда муҳим қадам си-фатида баҳоланмоқда.

Шунингдек, “Марказий Осиё ин-вестициявий шериклиги” жағмарасини тузиш тақлифи минтақани ягона иқтисодий ҳудуд сифатида кўриш ғоясини ўзид ақс эттир-моқда. Бир давлатнинг тараққиёти бошқа мамлакатларнинг имкониятлари билан уйғун бўлмаган ҳолда барқарор илдамлаши қийин. Шу маънода, ҳамжиҳатлик нафақат иқтисо-дий ўсиш, балки минтақавий барқарорлик-нинг ҳам кафолатидир.



Ўзбекистоннинг очиқ ва прагматик ташки сиёсати минтақавий бирдамлиқни таъминловчи омил сифатида намоён бўл-моқда. Самарқандда навбатдаги “C5+1” йилгилишини ўтказиш тақлифи ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Зотан бу тарихий шаҳар цивилизациялар мулоқоти, савдо ва илм йўллари кесилган нуқтадир. Янги саммит эса шу руҳда ҳамкорлик, мулоқот ва тараққиёт рамзи сифатида қадимий кентда ўтказилса, ажабмас.

Умуман олганда, “C5+1” формати бутун минтақанинг ҳамжиҳатлигидан келиб чи-кадиган куч ғоясини тарғиб қилади. Марказий Осиё давлатлари ушбу жараёнда нафақат дунё билан, балки ўз тарихи ва маданий мероси би-лан ҳам қайта юзлашмоқда. Бир вақтлар Буюк ипак йўли орқали цивилизацияларни боғлаб турган минтақа энди янги глобал мулоқот мар-кази сифатида ўзини намоён қилмоқда.

Ўзбекистоннинг АҚШ компаниялари билан ҳамкорлиги нафақат иқтисодий дивиденд, балки янги бошқарув маданияти, инновацион фикрлаш ва корпоратив масъулиятни ҳам олиб кирмоқда. Бу — янги авлод раҳбарлари ва тадбиркорлари учун тажриба мактаби. Чунки ҳар бир қўшма лойиҳа нафақат иқтисодиётни, балки инсоннинг ўзгаришга интилишини ҳам кучайтиради.

шартнома эмас, балки ҳамкорликнинг янги кўриниши — “ҳарақатлардан амалий натижа сари” тамойили ётади.

АҚШ Экспорт-импорт банки билан энер-гетика, транспорт, муҳим минераллар ва агротехнологиялар соҳаларида лойиҳаларни молиялаштириш бўйича келишувлар мамла-катимизга ишонч ифодасидир. Чунки ма-зкур ҳамкорлик орқали Ўзбекистон нафақат молиявий ресурс, балки технология, тажри-ба ва стандартлар трансферини ҳам амалга оширди.

Давлатимиз авиация соҳасида “Boeing” билан ҳамкорлиқни кенгайтирмоқда. Бу авиация инфратузилмасини модернизация қилиш билан бирга логистика ва туризм салоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари очишга ҳам хизмат қилади. Шунингдек, АҚШ Халқаро молиявий тараққиёт корпор-ацияси мулоқотлар хусусий секторни ривож-лантиришда янги босқични бошлаб берди. Ташкилотнинг Тошкентда минтақавий офис очиши ҳақидаги келишув мамлакатимизга инвестицияларнинг доимий оқимини таъ-минлайди.

Президентимизнинг ташири чоғида эришилган энг муҳим натижалардан бири рақамли иқтисодиёт ва инновациялар соҳа-сидаги ҳамкорликдир. “Google”, “Meta”, “NVIDIA”, “Palo Alto Networks” каби те-хнологик гигантлар билан шериклик Ўзбе-кисоннинг рақамли суверенитети ва те-хнологик мустақиллигини таъминлаш сари ташланган дадил қадам бўлди. Мазкур лойи-ҳалар рақамли хизматларни жорий этиш, инсон капиталини бойитиш, таълим ва янги авлод мутахассисларини тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган “General Motors”, “Valmont Industries”, “Flowserve Corporation”, “Cargill” ва бошқа

йирик корпорациялар билан келишувлар са-ноат ва қишлоқ хўжалигида маҳаллийлашти-риш ҳамда инновацияни чуқурлаштиришга қаратилган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 4 баробар ошди. Мамлакатимизда мазкур давлатнинг 300 дан зиёд компанияси фао-лият юритмоқда. Бу рақам амалий ҳаракат натижасидир. Ҳар бир янги завод, ҳар бир стартап, ҳар бир қўшма корхона — янги иш ўрни, янги ҳаёт сифати, янги имкони-ятлар дегани.

Ўзбекистоннинг АҚШ компаниялари билан ҳамкорлиги нафақат иқтисодий диви-денд, балки янги бошқарув маданияти, инно-вацион фикрлаш ва корпоратив масъулиятни ҳам олиб кирмоқда. Бу — янги авлод раҳбар-лари ва тадбиркорлари учун тажриба мак-таби. Чунки ҳар бир қўшма лойиҳа нафақат иқтисодиётни, балки инсоннинг ўзгаришга интилишини ҳам кучайтиради.

Иқтисодиёт фақат молиявий тизим эмас, у жамиятнинг руҳий ҳеҳраси, тафаккур ма-даниятини ҳам ақс эттиради. Шу боис, Ўзбе-кисон ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорликнинг янги босқичи фақат иқтисодий воқелиқдан иборат эмас, аксинча кўлами ва моҳияти ниҳоятда кенг.

Авалло, ҳар бир лойиҳа, ҳар бир инвес-тиция, ҳар бир шериклик фикрнинг амалий шаклга кўчиши, орзунинг иқтисодий ифо-даси, меҳнатнинг қадрини оширишга қара-тилган ҳаракатдир. Ҳар бир ҳамкорлик зами-ридаги энг олий ғоя — тараққиёт марказига инсонни қўйиш, унинг ижодкорлиги, меҳна-ти ва шаънини юксалтириш.

Ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг янги босқичи шундай тамойилга суянади. Бу “Ким кўпроқ манфаат кўради?” деган эмас, балки “Ким кўпроқ ҳисса қўлади?” деган саволга жавоб топишга ундайдиган ҳамкор-ликдир. Шу маънода, ҳар бир қўшма лойиҳа фақат иқтисодий битим эмас, балки ўзаро ишончининг янги босқичидир. Унда меҳнатга ҳурмат, билимга эҳтиёж ва инсоний қадрга эътибор муҳасам.

Мазкур омиллар туфайли ҳам давлатимиз раҳбарининг АҚШга ташири фақат расмий сафар эмас, балки дунё билан тенг мулоқот-да бўлиш, янги тафаккур ва муносабат ма-даниятини амалда намоён қилишининг юксак намунаси бўлди.

Ўзбекистон ва АҚШ муносабатларидаги яқинлашув расмий мулоқотлар, иқтисодий, технологик ва ижтимоий ҳамкорликда янги босқич очди. Президентимизнинг ташири натижасида имзоланган битимлар ва лойи-ҳалар нафақат молиявий дивидендлар, бал-ки маҳаллий кадрлар салоҳиятини ошириш, инновацион фикр ва замонавий бошқарув маданиятини кенгайтиришга хизмат қи-лади. “C5+1” формати орқали Марказий Осиё минтақавий ҳамжиҳатлик ва глобал рақобат-га тайёрийлик моделини яратётгани, ҳар бир инвестиция ва лойиҳа ортда инсон ва унинг салоҳияти туриши ушбу ҳамкорликнинг асо-сий қадриятларини кўрсатади. Шу маънода, Ўзбекистоннинг ташки сиёсат стратегияси реал амалий қадамлар ва миллий манфаат-лар уйғунлиги орқали барқарор тараққиётга эришидир.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Пойтахтимиздаги озиқ-овқат бозорларидан бирида “Махсулот қиммат бўлса сотувчидан, арзон бўлса харидордан инсоф кетади” деган ёзув илиб қўйилган. Бу бозор қонуниятларини ифода этадиган айна ҳақ гап. Зотан, талаб ва тақлиф уйғунлиги кўп жиҳатдан иқтисодий фаровонлиқни таъминлайдиган, унинг барқарор ўсишига хизмат қиладиган асосий барометрдир. Дейлик, бир махсулот тақчиллиги сабаб бозорда унга талаб ошиб кетиши ўз-ўзидан нархларнинг ҳам кўтарилишига, аксинча бўлса, баҳоси тушиб кетишига олиб келади.

Таҳлил

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ўқиш учун QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Озиқ-овқат хавфсизлигида “Оқилона истеъмол” дастури ишга туширилди

Бозор иқтисодиётига асосланган бутунги дунёда нарх айнан харидор ва сотувчи уч-рашадиган жой — бозорда, рақамли савдо платформаларида, биржаларда шакллана-ди. Замонавий иқтисодиёт модели назарий жиҳатдан ҳам, амалиётда ҳам жонли ме-ханизмга асосланган. Бироқ бутун табиий ресурсларнинг муттасил камайиб, аҳоли сонининг кўпайиб бориши энг ривожланган давлатларни ҳам ўз ички истеъмол бозори-ни ташки тақчилликлардан ҳимоя қилишга мажбур этаётди. Давлатнинг асосий вази-фаси ва мақсадларидан бири ўз халқининг

турмуш тарзини яхшилаш, эҳтиёжларини қаноатлантириш учун етарлича шароит яра-тиштири. Айниқса, аҳолини озиқ-овқат мах-сулотлари билан таъминлаш энг устувор ва муҳим йўналиш саналади.

Шу билан бирга, озиқ-овқат хавфсиз-лиги масаласи бутун ҳар бир мамлакат ижти-моий-иқтисодий сиёсатида асосий ўрин-лардан бирига кўтарилди. Чунки халқнинг фаровон яшаши кўп жиҳатдан бозорлар тўқилишига боғлиқ.

Ўзбекистонда ҳам озиқ-овқат хавфсиз-лигига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу

йил 3 февралда давлатимиз раҳбари бу бо-радаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи “Озиқ-овқат хавфсизли-ги тўғрисида”ги қонунни имзолади. Ушбу ҳужжат орқали бозорни тартибга солувчи ваколатли орган ва унинг вазифалари, таъ-минот заңижи, истеъмолчи ва ишлаб чиқа-рувчи ўртасидаги муносабатлар тартибга солинди.

Сўнгги йилларда аҳолини сифатли озиқ-овқат махсулотлари билан таъ-минлаш, қишлоқ хўжалиги махсулотла-ри етиштирувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида комплекс чора-тадбирлар кўриляпти. Хусусан, аҳо-лининг кундалик эҳтиёжи учун зарур мах-сулотларни етиштирувчи тадбиркорлик субъектлари фаолияти қўллаб-қувватлан-моқда. Уларга давлат томонидан имтиёз-лар берилмоқда ҳамда экспорт ва импорт учун қўлай шароит яратилмоқда.

Ўзбекистон ўзининг озиқ-овқат хавфсиз-лигини таъминлаш баробарида мева-сабза-вот ва бошқа қишлоқ хўжалиги махсулотла-рини фаол экспорт қилиши туфайли ташқи бозорларда ҳам ўз ўрнига эга.

Шу ўринда дунёдаги озиқ-овқат хавф-сизлиги борасидаги умумий манзарани та-саввур қилиш учун БМТ эълон қилган оқиқ-статистик маълумотларга эътибор қаратсак. Мазкур нуфузли халқаро ташкилотга кўра, ҳозир дунё аҳолисининг 815 миллиони оч қолаётган бўлса, 2050 йилга бориб, бу кўр-саткич 2 миллиард кишига етади. Уларнинг 12,9 фоизи ривожланаётган мамлакатлар-да яшайди. Беш ёшгача бўлган болалар

ўртасидаги ўлимнинг 45 фоизи айнан тўйиб овқат емаслик натижасида келиб чиқаётди. Ҳозир ҳар йили 3,1 бола айнан шу сабаб ҳа-ётдан кўз юммоқда.

Қишлоқ хўжалиги дунёдаги энг катта иш берувчи соҳадир. Бутун Ер юзи аҳоли-сининг 40 фоизи айнан шу тармоқда меҳнат қилади. Бу қашшоқ ҳудудлардаги оилалар учун даромад келтирувчи ва бандлиқни таъминловчи асосий манба. Шундай экан, мазкур жабҳага инвестиция қиритиш орқа-ли озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш қаторида маҳаллий ва ташқи бозорларга махсулот етказиб бериш бўйича мамлакат имкони-ятларини ошириш мумкин.

Яқинда БМТ томонидан озиқ-овқат махсулотлари исрофгарчилигига қарши курашиш бўйича глобал кампания эълон қилинди. Бу ҳам айнан озиқ-овқат хавфсиз-лигига хизмат қилади. Мазкур тузилманинг Атроф-муҳит бўйича ташкилоти (ЮНЕП) маълумотига кўра, ҳар йили дунё бўйича 1,3 миллиард тонна озиқ-овқат махсулот чикиндига ташлаб юборилади. Неъматлар-нинг бундай исроф қилинишидек мантиқ-сиз ҳолатга барҳам бериш учун, биринчи навбатда, уларни сақлаш шароитини ўзга-ртириш тақлиб этиляпти.

Дунёдаги озиқ-овқат махсулотларининг учдан бир қисми чикинди идишларида ёта-ди. Жаҳон иқтисодиёти бундан ҳар йили қарийб триллион доллар зарар кўрапти. Бу гаплар БМТ ҳисоботида келтирилган аниқ рақамлар.

Ўзбекистонда ҳам БМТнинг юқори-даги ташаббусига уйғун ҳолда “Оқилона

истеъмол” (Save food) дастури ишга туши-рилди. Ушбу кенг кўламли акцияга Вазир-лар Маҳкамасининг 16 сентябрдаги тегизи-ли қарори асосида старт берилди. Энди мазкур дастур доирасида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар бел-ланган тартибда ўтказилиши қатъий назо-ратта олинади.

Ҳужжатга кўра, 2026-2030 йиллар “Дол-зарб озиқ-овқат хавфсизлиги даври” деб эълон қилинади. Бунда аҳоли эҳтиёжига етарли даражада ва сифатли озиқ-овқат махсулотлари етказиб бериш ҳамда ортиқча исрофгарчиликларнинг олдини олиш чора-лари кўрилади.

Қарор билан “Оқилона истеъмол” дав-турини амалга ошириш бўйича чора-тад-бирлар режаси тасдиқланди. Унда, жумла-дан, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенат кенгашларининг 2019 йил 14 сентябрдаги қўшма қарори билан тасдиқланган “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишни тар-тибга солиш тўғрисида”ги низом талаблари асосида ўтказилиши таъминланади.

Низомда оилавий тадбирларда 200 на-фаргача, мазкур тадбирлар муносабати би-лан ош бериш маросимида 250 нафаргача киши қатнашиши мумкинлиги белгиланган. Қўшалоқ тўй-ҳашамларда ҳам 250 нафарга-ча, у билан боғлиқ ош бериш маросимида эса 300 нафаргача киши қатнашиши мум-кин.

Миллий аъналарга ёт, одоб-ахлоқ қои-даларига зид бўлган турли шоулар, ортиқча

вақт ва харажат талаб қиладиган оилавий маросимлардан олдинги, тадбир давомида-ги ва ундан кейинги қўшимча расм-русум-ларни ўтказиш ман этилган.

Сўнгги уч йиллик таҳлилга кўра, мамла-катимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъ-минлаш, қишлоқ хўжалиги махсулотлари сифати ва экспорт салоҳиятини оширишга ёндашув мутлақо ўзгарган. Давлат сиёсати-нинг устувор йўналишига айлантирилган.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги иқти-содиётининг етакчи тармоғи саналади. Унда меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисми ишлайди. ЯИМда тармоқ улуши 32 фоизга тенг бўлса, соҳада фойдаланиладиган ер майдонлари республика ҳудудининг 45 фо-изини эгаллайди. Ҳозир 180 дан ортиқ тур-даги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат мах-сулотлари 100 га яқин мамлакатга экспорт қилинмоқда.

Шунга қарамай, юртимиз аҳолиси йи-лига қарийб 1 миллионга ўсиб борапти. Ер ва сув манбалари эса чекланган. Шу боис, ички бозор барқарорлигини омилкорлик ва ҳосилдорлик орқали таъминлаш бутуннинг асосий талабига айланмоқда.

Энди аҳолига зарур бўлган бирламчи 10 турдаги асосий озиқ-овқат махсулотлари-нинг тизимли ҳисоб-китоби юритилмоқда. Бунда ҳар бир туман бўйича қандай махсу-лот етиштирилиши ва ички бозор учун қан-ча захира қилиниши аниқ таҳлиллар асоси-да белгиланади.

Президентимиз ташаббуси билан 260 минг гектар ер деҳқончилик қилиш учун 800 минг кишига бўлиб берилган эди. Шунингдек, Сайхунбод тажрибаси асо-сида томорқаларда махсулот етиштириш қўллаб-қувватланмоқда. Бу одамларни, айниқса, ёшларни иш ўрни ва даромад би-лан таъминлашда тўғри йўл бўлганини бу-гун ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Қолаверса, бу қишлоқ хўжалиги махсулотлари кўп етиштирилиб, нархи кескин ошиб кетмас-лигига муҳим омил бўлди.

Юртимизда истеъмол маданиятини юк-салтириш, исрофгарчиликларнинг олдини олиш мақсадида “Оқилона истеъмол” дав-турининг ишга туширилиши ўз вақтида қабул қилинган муҳим қарор бўлди. Зеро, халқимизнинг фаровон ва соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда бу ўта муҳим ҳаётий масалалар. Аслида, қишлоқ хўжа-лигидаги ислохотлардан пировард мақсад иқтисодий фойда кўриш билан бирга озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишдан иборат.

Юнус БҲРОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



МИЛЛАТ ГЕНОФОНДИ

ЁШЛАР ЭРТАСИГА ХАВФ СОЛАДИГАН ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИ МУРОСАСИЗ КУРАШ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Миллат генофондини муҳофаза қилиш ҳар доим ҳар қандай давлат олдидаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, мамлакат келажаги унинг аҳолиси саломатлиги, ривожланиши, бунёдкорлиги, ижтимоий фаоллиги ва фаровонлиги билан чамбарчас bogʻлиқдир.

Генофондни сақлаш ва мустаҳкамлаш, жаҳон амалиёти кўрсатганидек, ҳар бир шахснинг ҳаёти ва ривожланиши учун қўлай шарт-шароитлар яратишга қаратилган тизимли ёндашуви тақозо қилади. Бу борадаги муҳим ишлардан бири гиеҳвандликка ва гиеҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланishiга қарши курашишдир.

Президентимизнинг шу йил 3 ноябрдаги “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиеҳвандлик ва нарकोжиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони айни мақсадларга қаратилган. Ҳужжат билан белгиланган янги тартиб ва талаблар, ушбу йўналишда янгича ишлашни назарда tutuvchi вазифалар аҳамиятига тўхтал-лишдан аввал мазкур фармоннинг қабул қили-ниши зарурати ҳақида фикр юртасак.

Гиеҳвандлик инсоннинг жисмоний ва руҳий саломатлигига салбий таъсир кўрсатади, ҳаёт тарзини издан чиқаради. Энг ёмони, бу иллат ижтимоий бекарорликни кучайтиш, жиноятлар кўпайиши, пировардда жамият заифлашиши-га олиб келади.

Ушбу муаммонинг жиддийлигидан келиб чиққан ҳолда жаҳон ҳамжамияти томонидан таълим дастурлари, тиббий ёрдам, реабилитация, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, гиеҳвандлик воститларининг ноқонуний айланishiга қарши курашишни ўз ичига олган комплекс профи-лактик чора-тадбирлар ишлаб килиниб, ти-зимли равишда ҳаётга таътибқ этиб бечаралиги. Мамлакатимиз ҳам айни масалда кенг қамров-ли ишларни амалга оширмакда.


Масаланинг мураккаблик жиҳати шундаки, бутун жамият, иқтисодиёт ва давлат бошқаруви учун янги имкониятлар очадиган рақамли те-хнологиялар жадал ривожланмокда. Ҳаётимизга рақамли технологияларнинг шиддат билан ки-риб келаётгани аҳолига бир қанча қулайликлар яратмокда.

Лекин таёқнинг икки учи бўлгани каби бу жараёнда ҳам яна бир глобал муаммо пайдо бўлпти, яъни кибержиноятлар билан bogʻлиқ янги таҳдидлар кучаймокда. Бу шахсий маълу-мотларни ўтирлаш, моливий фибрибгарликдан тортиб, муҳим давлат объектилари, инфрату-зилмаларга киберҳужумларга бўлган турли шаклларда намоён бўлмокда.

Таҳдидлар кўрсатадики, ахборот хавфсиз-лиги бузилиши яхшигина иқтисодий зарар келтириши мумкин. Шу боис, киберхавфсиз-ликни таъминлаш глобал микёсда, хусусан, юртимизда ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланмокда. Бу жараёнда ихтисос-лаштирилган тузилмалар яратиш, қонунийлик базасини ривожлантириш, замонавий хавфсиз-лик технологияларини жорий этиш, аҳолининг медиасаводхонлигини ошириш кундан кунга долзарб аҳамият касб этмокда.

Шу маънода, фармон билан бир қатор-да давлатимиз раҳбари 3 ноябрь кун миллиат генофондини гиеҳвандликдан ҳимоя қилиш, кибержиноятларга қарши самарали курашиш ҳамда прокурор назоратини рақамлаштириш юзасидан тақдирлар тақдироти билан тани-шиш чоғида устувор вазифаларни белгилаб бергани муҳим аҳамиятга эга.

Тақдиротда қайд этилганидек, сўнгги йил-ларда нарकोжиноятчилик бутун инсоният учун



янги глобал хавф-хатарга айланди. Бугун дунё-да 400 миллиондан ортиқ одам бу иллатга ду-chor бўлган, унинг оқибатида йилга 300 минг-га яқин одам вафот этипти. Афсуски, мазкур иллат мамлакатимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Йил бошидан 11 мингдан зиёд нарकोжи-ноят аниқланиб, 2,5 тоннага яқин гиеҳвандлик моддаси ушлаб қолинди. Бундай жиноятлар-нинг шакл ва турлари йилдан йилга кўпайиб, қамрови ортиб бораётгани нарकोжиноят ва гиеҳвандликка қарши курашишни комплекс ра-вишда ташкил қилиш кечиктириб бўлмайдиган вазифа эканини кўрсатмокда.

— Тақдиротда Президентимизга Бош прокуратура тизимида рақамли прокурор на-зоратини жорий этиш, текширувлар ва мони-торинг жараёнини автоматлаштириш бўйича тақдирлар ҳақида ахборот берилди, — дей-ди Ўзбекистон Бош прокурори Нигматилла Йўлдошев. — Бугун рақамлаштириш жамият раванқининг асосий мезонлиридан бирига айланди. Тараққиётимизнинг янги босқичига киришилган илк кунларданок Президентимиз барча масъуллар олдида рақамлаштириш та-лабини қўйган эди. Хусусан, “Рақамли Ўзе-кистон — 2030” стратегияси қабул қилиниб, ушбу ҳужжат асосида устувор вазифалар бел-гиланди.

Утган йилларда прокуратура органларида мазкур вазифалар ижроси бўйича қатор ишлар қилинди. Жумладан, бутун тизим оптик толали кабеллар воститасида ўзаро bogʻланди, электрон ҳужжат айланishi тўлиқ жорий этилди. Шу-нингдек, Маълумотларни қайта ишлаш марка-зи очилди.

Бундан олти йил олдин бирорта ахборот ти-зими бўлмаган идорамизда бутун ўз мутахас-сисларимиз томонидан яратилган 45 та дастур ишга туширилди. Давлат органларининг 114 та ахборот тизими интеграция қилинди. Тизимни рақамлаштириш натижасида сўнгги беш йилда 100 миллиард сўм тежалди. Энг муҳими, вақт тежалмокда, иш сифати ва самарадорлиги ош-мокда.

Шу билан бирга, бугун рақамлашти-риш жараёнларида ҳар дақиқанда янгиллик кузатилокда. Энг муҳими, бш шунга мос тарзда ҳаракат қилишимиз керак. Шу боис, Президентимизга прокуратура органлари фаолиятини тўлиқ рақамлаштиришга қар-тилган фармон лойиҳаси, “Рақамли прокура-тура — 2030” стратегияси ва “Йўл харитаси” лойиҳалари тақдирот қилинди”.

Мазкур лойиҳаларда мамлакатимизда ко-нунлар ижроси устидан самарали назоратни таъминлаш орқали қонун устуворлигига эри-шишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбир-лар назарда тутилган. Жумладан, мурожаат-лар билан ишлашда инсон омиллини истисно этидиган сунъий интеллект жорий этилади. Натижада мурожаатларнинг санокли дақиқа-ларда ижрочиға етказилиши ва унда кўтарил-ган масалалар қисқа муддатда ҳал қилинишига эришилади.

Бош прокуратура ахборот тизимига вази-рлик ва идоралар тизимларини тўлиқ инте-грация қилиш назарда тутилмокда. Бу билан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан кунлик назорат йўлга қўйилди, на-зорат идоралари ўтказадиган текширишларнинг барча жараёнлари тўлиқ мониторинг қилинади.

Бундай чоралар фуқаро ҳамда тадбир-корларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя

ахборот тизими суриштирув ва терговнинг барча босқичлари устидан реал вақт режимида кунлик назорат ўрнатил имконини беради.

Шунингдек, рақамли технологиялар орқали содир этилаётган жиноятларнинг олдини олиш учун сунъий интеллект, киберҳуқуқ ва рақам-ли ҳуқуқ йўналишларида қадрлар тайёрлашни бошлаш вазифаси қўйилди. Бу орқали соҳа-да замонавий таҳлил усулларида фойдалана оладиган, рақамли хавф-хатарларни олдин-дан аниқлайдиган ва уларга самарали жавоб беришга қодир профессионаллар қатлами-ни шакллантириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Шахси ноқонуний ушлаш, қамоққа олиш ва жиний жавобгарликка тортишга чек қўйи-лад. Пировардда жиноят ишларини электрон тарзда юритишга эришилди. Жиноят суд-ларида бўлгани каби фуқаролик, иқтисодий, маъмурий судлар билан ҳам прокуратуранинг ахборот тизими интеграция қилинади. Бу эса прокурорларнинг суд жараёнларида реал ва самарали иштирокини, суд амалиётидан тўлиқ хабардорлигини масофавий усулда таъминлай-ди, суд ҳужжатларига нисбатан тезкор муно-сабат билдириш имконини беради. Шу тариқа қонуний ва адолатли суд қарорлари қабул қи-линишига қўмақлашиш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилади.

Қисқа қилиб айтганда, инсон омилсиз назорат натижасида барча соҳаларда фуқаро-ларнинг ҳуқуқлари, давлат ва жамият манфаат-ларини ҳимоя қилиш қафолоти кучайтирилади. Қонуларнинг амалда тўлақонли ишлашини таъминлашга қаратилган бу вазифалар рўёби йўлида барча имкониятлар ишга солинади.

Давлатимиз раҳбарига кибержиноят-ларнинг таҳлили бўйича маълумот бердик, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Жамоат хавфсизлиги ва қонун устуворлиги бўйича департаменти бош-лигининг биринчи ўринбосари Азиз Азимов. — Бугунги кунда мамлакатимизда 31 миллион-дан ортиқ аҳоли интернетдан фойдаланмокда. Шу билан бирга, сўнгги беш йилда юртимизда кибержиноятлар сони 68 карра кўпайган. Жор-ий йилининг ўзида 46 мингдан ортиқ кибержи-ноят аниқланган. Улар орқали жисмоний ва юридик шахсларга етказилган моддий зарар 1,2 триллион сўмдан ошган. Фуқароларнинг шахсий маълумотлари, банк карталари ва элек-трон имзолари билан амалга оширилаётган фибрибгарликлар сони кескин ортиб бормокда. Жиноятларнинг катта қисми интернет орқали

амалга оширилиб, энг кўп тарқалган усуллар-дан бири банк карталари орқали содир этилаёт-ган киберфибрибгарлик ҳисобланади.

Қайд этилганидек, шахсий маълумотлар ҳи-мояс бўйича аниқ механизм мавжуд эмас, ай-рим тадбиркорлик субъектлари мижозларнинг маълумотларини очиқ базаларда сақламокда. Давлат хизматлари соҳасида ҳам биометрик идентификация ва электрон рақамли имзолар-дан фойдаланишда киберхавфсизлик бўйича етарли қафолатлар таъминланмаган.

Шунингдек, банк тизимида киберҳужум-ларнинг олдини олиш, шубҳали пул опера-цияларини аниқлаш ва тезкор чора кўриш механизмлари етарли даражада самарали ишламаётгани кўрсатиб ўтилди. Шу боис, тақдиротда соҳанинг ҳуқуқий, технологик ва илмий-услубий асосларини тубдан тақомил-лаштириш зарурлиги қайд этилди.

Шахста жам маълумотлар билан ишлашда киберхавфсизлик талабини, бундай маълумот-ларни шубҳали сақлаш тартибини жорий этиш, маълумотга ишлов берувчи шахслар реестрини юритиш, соҳадаги ҳуқуқбузарликлар учун жазо чораларини кучайтириш муҳимлиги қайд этилди. Банк соҳасида онлайн микроқарз ажратишда фибрибгарлар таъсирини челковчи замонавий ҳимоя тизимларини жорий этиш, фибрибгарлик натижасида жабрланувчининг номига олинган микроқарзни ундан ундирмас-лик, шубҳали банк ҳисобварақларини блок-лашни туну кун режимида йўлга қўйиш ме-ханизмлари тақдироти қилинди.

Кибержиноятчиликнинг янги турлари — смарт қурималарга ҳужумлар, криптоактив-ларни ноқонуний эгаллаш каби таҳдидларнинг олдини олиш бўйича илмий тадқиқотлар қи-лиш зарурлиги таъкидланди.

Ички ишлар вазири Киберхавфсизлик маркази салоҳиятини ошириш ва кибержи-ноятларга қарши курашиш самарадорлигини ку-чайтириш, жумладан, уларни тезкор фаш этиш бўйича етти турдаги янги экспертизани жорий этиш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Президентимизга аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини ушбу хавфдан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбир-лар ҳамда механизмлар тақдироти сифатида ки-ритилди. Бунда ўқувчи ва талабалар орасида наркотиклар тарқалишига батамом чек қўйиш, ёшларда бу иллатга муроасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган таъсирчан амалий ҳаракатларни амалга оширишни барча масъул

органлар ва ташкилотларнинг устувор вазифа-ларидан бири сифатида белгилаш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Юқорида қайд этилган фармон шу каби муаммоларни ҳал этишга қаратилгани нуқтаи назаридан ҳам жуда долзарбдир. Ху-сусан, фармон билан ўқувчи ва талабалар орасида наркотиклар тарқалишига батамом чек қўйиш, ёшларга нисбатан содир этила-диган нарकोжиноятлар учун жавобгарлиқни огирлаштириш, наркотикларни чегарадан олиб кириш, интернет орқали тарқатиш, уюшган гуруҳлар ва нарколаборатория-лар, уларга ҳомийлик қилаётган мансбдор шахсларни аниқлаш ва чек қўйиш каби ва-зифалар масъул органлар ва ташкилотлар-нинг гиеҳвандлик ва нарकोжиноятларга қарши курашишга қаратилган устувор ва-зифалари этиб белгиланди.

Фармонга мувофиқ, 2025 йил якунига қадар “Гиеҳвандлик воститлари ва психотроп модда-лар тўғрисида”ги қонуннинг янги тахдирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилади. Ушбу қонунга асо-сан, Жиноят кодексига “Аҳоли саломатлиги ва генофондига қарши жиноятлар” номли алоҳида 2 та боб ва 15 та моддадан иборат янги бўлим киритилади.

Ҳужжатга, шунингдек, нарकोжиноятлар-нинг замонавий шакл ва усулларида келиб чиқиб, нарकोжиний уюшма ташкил этиш, мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик (рахнамолик) қилиш, нарколаборатория ташкил этиш каби янги жи-ноий жавобгарлик чоралари киритилади.

Қайд этиш керакики, аксарият ривожланган мамлакатлар қонунчилигида нарकोжиноятлар-га нисбатан ўта огир чоралар, жумладан, ўлим жазоси ҳам қўлланилади.

Мамлакатимизда мавжуд ҳолат ва хориж тажрибаси ўрганилган ҳолда нарकोжиноятлар содир этилиши ва қайта содир этилишининг олдини олиш мақсадида огир оқибатли 5 та қилмиш учун жазони 2 бараваргача огирлашти-риш ҳамда ўта огир турдаги 5 та нарकोжиноят учун жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишни қўламаслик назарда тутилмокда.

Вояга етмаганлар ва ёшларни нарकोжи-ноятлардан ҳимоя қилиш мақсадида кескин чоралар қўрилади. Шунингдек, таълим таш-килотлари, талабалар ётоқхоналари, болалар оромгоҳларида ёки уларга туташ ҳудудларда наркотикларни ўтказиш учун жазо ишқи бара-варгача огирлаштирилади. Айнан ушбу жой-ларда вояга етмаганларни наркотик истеъмол қилишга жалб қилганларни ҳам 10 йилгача қа-моқ жазоси кутади.

Фармон билан Гиеҳвандлик ва наркожи-ноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда улар-га қарши курашиш бўйича 2025-2026 йилларга мўлжалланган комплекс амалий ҳаракатлар миллий дастури тасдиқланди. Миллий дастур-да 119 та тезкор-профилактик, ташкилий-тар-биявий, тарбият-таъшиқот чора-тадбирини комплекс равишда амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган.

Ҳужжатга мувофиқ, прекурсорлар ишлаб чиқарилишидан бошлаб реализация қилини-шигача бўлган барча жараёнлар устидан қатъий электрон назорат ўрнатилди. ИИВ Тезкор-қи-дранинг департаменти ва Божона қўмитаси Кон-трабандга қарши курашиш бошқармаларида прекурсорларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш бўлиmlари фаолияти йўлга қўйилди.

Мутахассисларнинг қайд этишича, аксарият ўсмирлар ва ёшлар айнан ижтимоий тармоқлар орқали нарकोжиноятчилар тўрига тушиб қола-ди. Бу тармоқларда психотроп моддалар сав-доси ҳам кенг тарқалмокда. Ўз-ўзидан аёнки, бунга қарши курашда ёшларнинг ҳам ёрдами зарур.

2026 йил 1 июлга қадар интернетдаги нар-кодўконларни ҳамда нарकोжиноятларни сунъ-ий интеллект ёрдамида аниқлаш ва блокла-шга мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқиш бўйича ёшлар ўртасида танлов ўтказилиб, энг мақбуллари амалиётга жорий қилинади.

Гиеҳвандликка қарши курашиш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари эмас, балки ҳар бир фуқароннинг бурчи. Чунки гап миллатнинг келажаги, соғлом авлод ҳақида кетмокда. Шу боис, ёшлар келажагиға хавф соладиган иллатларга қарши муроасиз ку-раш эълон қилинди. Жазо ва чоралар кескин кучайтирилди. Ушбу масала Президентимиз назоратида. Ёшдан талаб қилинадигани — келажагимизга бефарқ бўлмайлик, бу ку-рашда томошабин эмас, иштирокчиға айла-найлик!

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугуннинг гапи

Бугунги кунда атроф-муҳит муҳофазаси ҳар қачондан муҳим аҳамият касб этмокда. Зеро, ҳаёт давомийлиги учун табиати асрашимиз, табиий ресурслари оқилона бошқаришимиз, улардан тежамкорлик билан фойдаланишимиз замонамизнинг асосий талабиға айланди. Шунингдек, айни пайтга келиб қўллаб экотизимлар захираси деярли тугаб, ортга қайтариб бўлмас даражаға етган, боз устига, аҳоли нуфуси ўсиб бораётган, иқтисодий тараққиётга кун сайин эҳтиёж ортаётган вазиятда атроф-муҳитни сақлаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифа саналади.

Мана шундай мураккаб вазиятдан келиб чиқиб, мамлакатимизда экологик сиёсат мута-лоқо янги босқичға кўтарилди. Атроф-муҳит-ни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан са-марали фойдаланиш ва иқлим ўзгаришларига мослашиш барқарор ривожланиш стратегияси-нинг устувор йўналиши бўлиб қолмокда.

Ўзбекистон глобал экологик муаммолар фо-нида ушбу соҳани самарали бошқариш бўйича ёндашувларни тақомиллаштириб, ўзаро уйғун, шаффофлик, самарадорлик тамойилларига асосланган тизимни шакллантирмокда.

ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ АЛОҲИДА ЁНДАШУВЛАР АСОСИДА ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Сўнгги йилларда атмосфера ҳавоси ҳола-тини яхшилаш, яшил майдонларни кенгайти-риш, биохилма-хилликни муҳофаза қилиш ва экотизимларни тиклаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.



Иқлимни қурғоқчил мамлакат сифати-да сувдан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмокда. Худудларни қўлама-зорлаштириш, чўлланишга қарши кураш ва яшил технологияларни жорий этиш дастур-лари янада ривожлантирилмокда. Буларнинг барчаси экология алоҳида соҳа эмас, балки иқтисодиёт ва ижтимоий сиёсатнинг асоси эканидан далолат.

Энг асосийси, экологик сиёсатни янгиллаш ва унга мутаносиб равишда бошқарув тизими-ни ҳам ўзгариштириш устувор вазифаға айланди. Асосий мақсад барча поғоналардаги ишлар-нинг ўзаро уйғунлигини таъминлашга хизмат қиладиган ягона мувофиқлаштирилган ме-ханизми яратишдан иборат.

Бундай ёндашув, биринчидан, атроф-муҳит-ни муҳофаза қилиш чоралари самарадорли-гини ошириш, қолаверса, соҳани мамлакат тараққиётининг узвий қисмиға айлантириш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 11 ноябрь куни экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан тақдирлар тақдироти билан танишди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамла-катимизда табиати муҳофаза қилиш, атмо-сфера ҳавосини яхшилаш, яшил ҳудудларни

қўпайтириш ва иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширил-мокда. Лекин тизимдаги тарқоқчилик, масъулият ва ваколатларнинг турли идоралар ўртасида бўлиниб кетгани натижасида ишлар самараси доим ҳам қутилган даражада бўлмапти. Шу муносабат билан йилгишда соҳада бошқару-вни тақомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқил-ган тақдирлар қўриб чиқилди.

— Президентимиз экология ва атроф-муҳит-ни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилиши зарур бўлган қатор топшириқлар берди, — дей-ди экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири Азиз Абдуҳакимов. — Шунингдек, бу йўналишда давлатимиз раҳ-бари Ўзбекистонда лойиҳавий ёндашув муҳим-лигини таъкидлади. Хусусан, қатор йўналиш-лар умуммиллий лойиҳа сифатида жорий этилиши белгиланди. Жумладан, атроф-муҳит сифатини, шаҳарларда атмосфера ҳавосини яхшилаш, яшил ҳудудларни ривожлантириш, табиатга масъулиятли муносабатни шаклан-тириш ва табиий меросни муҳофаза қилиш билан bogʻлиқ лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда моливлаштиришни марказлашган ҳолда олиб бориш тақдир этилди.

Яна бир муҳим жиҳат. Тақдиротда чиқин-дилар масаласида алоҳида эътибор қаратилди. Бу йўналишда чиқиндидан холи Ўзбекистон

УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!



умуммиллий лойиҳасини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Ушбу лойиҳа дои-расида қўллаб янгилликлар, жумладан, чиқин-диларни тўлиқ утилизация қилиш ва қайта ишлаш, уларни ноқонуний ташлаб кетиш каби ҳолатлар бўйича аниқ, тизимли ёндашувлар жорий этилади.

Шунингдек, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини янада тақомиллаштириш ва қўла-мини кенгайтириш юзасидан янгича ёндашу-ларни жорий этиш бўйича тегишли вазифалар белгиланди.

Юртимизда алоҳида ҳимояланган ҳудудлар мавжуд. Улар бундай атилишининг асосий са-баби шундаки, бу ҳудудлар ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, минерал сувлар ҳамда та-бият ёдгорлиқларини сақлаш учун экологик, илмий, маданий, эстетик, санитария соғлом-лаштириш аҳамиятига эга. Мазкур объектлар-ни асраб-авайлаб, келажак авлодга етказиш мақсадида биомерос лойиҳаси жорий этилади. Бундан ташқари, соҳадаги қонунбузар-ликларга қарши тезкор чора кўриш, дархаст-ларнинг ноқонуний кесилиши, ҳаво ифлос-ланишининг олдини олиш, жамоатчилик иштирокини кенгайтириш механизмлари, шу-нингдек, санаотда экологик тартибга солишни тақомиллаштириш ва аҳоли пунктларида яшил ҳудудлар сақланишини таъминлаш чоралари кучайтирилади.

Лутфулла ХАЙРУЛЛАЕВ,
журналист

Янги Ўзбекистондаги
ислохотлар янада кенг
кулоч ёзишида иккита муҳим
жиҳат бор, назаримда.
Булар дўстлик ва
бағрикенгликдир.
Ахир ҳар бир жамият
ривожда ҳамжиҳатлик
устувор аҳамият касб
этади. Шу маънода,
юртимизда
миллатлараро
дўстлик ва
ҳамжиҳатликни
мустаҳкамлаш
борасидаги
ишлар
барчамизни
қувонтиради.

Бугун мамлакатимиздаги турли миллат ва элатлар ўз маданияти, тили, урф-одати ва анъаналарини асраб-авайлаб, уларни келажак авлодга етказиш имкониятига эга. Чунки юртимизда барча миллат вакилларининг тенг ҳуқуқли, эркин фаолият юритиши учун зарур шароит яратилган. Ҳа, мамлакатимизда бу масала давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилаб олинган. Юртимизда истиқомат қилувчи юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона Ватан — Ўзбекистон халқи сифатида аҳил-иноқ яшамоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун билан ҳимоя қилингани ҳамда амалда таъминланиши инсонпарвар сиёсатининг амалий самарасидир. Ўз навбатида, кўп миллатли аҳил халқимиз мамлакат тараққиёти, ижтимоий ҳаёт, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларида фаол иштирок этиб, юрт равнақига ҳисса қўшмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Жамиятда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкам қилор топиришининг энг муҳим тамойилларидан бири ижтимоий ва диний бағрикенгликдир. Юртимизда турли халқлар, конфессиялар вакиллари ягона оила бўлиб, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитида яшаётгани, жонажон Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келётгани бизнинг энг катта боғийгимиздир”, деган сўзлари мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элат вакилларига катта далда бўлмоқда.

Таълим муассасаларида фарзандларимиз етти тилда ўқитилади. Кўрсатувлар ва эшиттиришлар ўн икки тилда эфирга узатишмоқда, ўндан зиёд тилда газета, журнал ва китоблар нашр этилмоқда. Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита ҳузурида 157 та миллий маданий марказ, 16 та конфессияга тегишли 2000 дан зиёд диний ташкилот фаолият юритяпти. Мана шу мисолларнинг ўзи ҳам мамлакатимизда бағрикенглик тамойили устуворлигини яққол исботлайди.

Комилжон ШЕРМУҲАММЕДОВ, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент



Ғоялар кураши авж олган XXI асрда дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида ҳал этилиши зарур бўлган кўплаб муаммолар юзага келаятгани, кишиларнинг осуда ҳаётини издан чиқаришга қаратилган радикализм, экстремизм, ўзаро тоқатсизлик каби таҳдидларнинг кун сайин кўпаяётгани ва натижада бугунги ғоялар мафкура майдонини кураш олаётгани ҳамон долларб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси очилиш маросимида Президентимиз

халқаро жамоатчилик эътиборини айнан шу масалаларга қаратгани бежиз эмас. Давлатимиз раҳбари иштирокчиларга мурожаат қилиб, уларни ислом динининг тинчлик, бағрикенглик, илм-маърифат, мўътадиллик дини эканини тараннум этиш орқали радикализм ва исломофобияга қарши самарали курашишда Ўзбекистонда амалга оширилган ноёб лойиҳалар — Ислон цивилизацияси маркази, Имом Мотуридий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақибанд илмий-тадқиқот марказлари салоҳиятидан биргаликда фойдаланишга чақирди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сахифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz (71) 233-47-05

ТОТУВЛИК, ДЎСТЛИК ВА ЁРУҒ КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ



Гуландом СУБҲОНОВА,
Республика тожик миллий
маданий маркази раиси,
фалсафа фанлари номзоди

Юртимиздаги турли миллат вакиллари-нинг бир-бирига меҳр-оқибати ва тотувлиги-ни янада юксалтириш мақсадида 2021 йили Ўзбекистон Республикасининг “Халқлар дўстлиги кунини белгилаш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Энди ҳар йили 30 июль мамлакатимизда “Халқлар дўстлиги кунини” сифатида кенг нишонланмоқда.

Жорий йил ушбу байрам арафасида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимизнинг Яқкасарой туманидаги “Дўстлик” боғида 22 миллий маданий марказининг павильонлари очилди. Бугун ушбу маскан чин маънода мамлакатимиздаги кўпмиллатли жамиятнинг ҳақиқий тимсолига айланган. Мазкур мажмуада турли миллат ва элатларнинг маданияти, тарихий қадриятлари ҳамда урф-одатларини ифодаловчи икки қаватли нишоотлар барпо этилган. Ҳар бир павильон муайян миллатнинг миллий анъаналарини намоён этади. Бу бинолар меъморий жиҳатдан нафақат чиройли, балки ҳар бир халқнинг маънавий олами, маданий ранго-ранглигини ҳам қамраб олган ҳолда яратилган.

Фаолияти йўлга қўйилган қисқа вақтдаёқ павильон миллатлараро тотувлик ва дўстлик ғояларини тарғиб этувчи муҳим маданий-маърифий тадбирларга мезбонлик қилди. Бу ерда турли халқларнинг байрамлари, миллий таомлар фестиваллари, халқ амалий санъати кўргазмалари, концерт дастурлари ва ижодий учрашувлар мунтазам ташкил этилмоқда. Ана шу тадбирлар орқали мамлакатимизда яшаётган миллатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва дўстлик туйғулари янада мустаҳкамланмоқда.

Шу билан бирга, миллий маданий марказлар павильонини нафақат ички ҳамжиҳатлик, балки халқаро дўстлик алоқаларини ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ерда хорижий мамлакатлар билан маданий ҳамкорлик доирасида қатор қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда, чет эл элчиҳоналари ва маданият муассасалари билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказилмоқда. Жаҳонда ўхшаши йўқ мазкур павильонлар мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ишонч рамзидир. У халқлар ўртасидаги биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорликни асраб-авайлаш, умуминсоний қадриятларга асосланган жамият барпо этишдаги муҳим қадам.

2021 йилда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан “Халқлар дўстлиги” кўрак нишонини таъсис этилди. Ҳар йили юртимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитининг мустаҳкамланишига муносиб ҳисса қўшган маҳаллий ва хорижий давлат органлари ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари, ижтимоий соҳа ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда чет элдаги ватандошларимиз ушбу кўрак нишонини билан тақдирланмоқда. Булар жамиятимиздаги ҳамжиҳатлик, дўстлик, биродарлигимиз янада мустаҳкам бўлишига хизмат қилмоқда.

Республика тожик миллий маданий маркази раиси сифатида мамлакатимизда бошқа миллат ва элатлар қатори тожик халқининг

тили, адабиёти, маданияти, урф-одатларини сақлаш ва ривожлантириш борасидаги ишлар, айниқса, ўзбеклар ва тожиклар ўртасидаги дўстлик ҳақида ҳам алоҳида тўхталмоқчиман.

Юртимиздаги миллатлараро ва динлараро бағрикенглик сиёсатидан биз — тожик халқи вакиллари ҳам баҳраманд бўляпмиз. Фарзандларимиз умумий ўрта ҳамда олий таълим муассасаларида она тилимизда ўқияпти. Тожик тилида “Овози тожик” газетаси ҳафтада икки марта чоп этилади. Бундан ташқари, Самарқандда “Овози Самарқанд” газетаси, “Дурдонаи Шарқ” журнаси, Сурхондарёда “Бохтар” газетаси нашр қилинмоқда. Ҳар йили она тилимизда ўнлаб китоблар босмадан чиқади. “Ўзбекистон” телевидениесида “Рангинкамон” номли кўрсатувимиз бор. Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Сирдарё, Тошкент вилоятларида Республика тожик миллий маданий марказининг бўлимлари фаолият юритмоқда.

Ўзбек ва тожик халқлари асрлар давомида бир заминда, ягона маданий муҳитда яшаб келмоқда. Улар ўртасидаги адабий ва маънавий алоқалар Марказий Осиё тараққиётининг муҳим қисми бўлиб келган. Хусусан, Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийнинг дўстлиги нафақат икки буюк шоирнинг руҳий ҳамжиҳатлигини, балки икки халқ ўртасидаги маънавий яқинлигини ҳам ифодалайди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳамда Тожикистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтарилди. Бу ҳамкорлик нафақат сиёсий ёки иқтисодий соҳада бўй кўрсатмоқда, балки халқлар қалбидagi меҳр ва ишонч туйғуларини янада мустаҳкамламоқда.

Бағрикенглик, миллатлар ва элатлар ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳити яқин атрофдаги барча мамлакатларга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси натижасида Марказий Осиёда дўстлик ва ҳамжиҳатлик янги босқичга чиқди. Минтақадаги давлатлар ўртасидаги муносабат ўзаро ишонч ва манфаатли ҳамкорлик асосида мустаҳкамланди. Бунини бутун дунё тан олгани ҳам аини ҳақиқат. Ҳа, аини пайтда Марказий Осиё нафақат географик жиҳатдан, балки умумий тарих, қадрият ва келгуси мақсадлар билан ҳам боғланган ягона маънавий макон сифатида намоён бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг очик ва прагматик ташки сиёсати туфайли минтақада



“Марказий Осиё руҳи” деган янгича ҳамжиҳатлик муҳити шаклланди.

Мазкур ибора бугун минтақа давлатларининг ўзаро ишонч, яқин қўшничилик ва дўстлик асосидаги муносабатларини ифода этадиган янги сиёсий ва маънавий тамойилга айланди. Бу руҳ тинчлик, тотувлик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва биродарлик асосида қурилган муносабатлар пойдеворидир.

Жорий йилда Хўжанд шаҳрида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон Президентларининг тарихий учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашув ҳам “Марказий Осиё руҳи”нинг амалий ифодаси бўлди. Уч давлат раҳбарларининг самимий муҳитда ўтган музокаралари нафақат сиёсий, балки маънавий ва дўстлик жиҳатидан ҳам катта рамзий аҳамиятга эга. Ушбу мулоқотда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, савдо, транспорт ва энергетика соҳаларида биргаликда лойиҳаларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Муҳим воқеалардан бири уч давлат чегарасида “Дўстлик стеласи” ўрнатилгани минтақадаги ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик рамзи сифатида тарихга кирди. Бу стела нафақат географик нуқта, балки халқлар қалбини бирлаштирувчи маънавий тимсолга айланди. У қўшни халқларнинг қадимий дўстлиги, умумий тарих ва келажакка

муштарак интилишларини ёрқин ифода этади. Ушбу учрашув доирасида ташкил этилган халқаро форум қатнашчиси сифатида таассуротларим ҳақида айтсам. Аввало, қўшнилариимизнинг давлатимиз раҳбарига ҳурмат-эҳтироми юксак даражада эканидан фахрландим. Дўст Қирғизистон ва Тожикистоннинг турли вилоятларидан келган иштирокчилар ақдиллик билан бугунги қувончли воқеалар, дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланиши Президент Шавкат Мирзиёевнинг оқилона сиёсати натижаси эканини таъкидлади.

Бугун Ўзбекистон нафақат иқтисодий ёки сиёсий, балки маънавий жиҳатдан ҳам минтақанинг бағрикенглик марказига айланмоқда. Ҳар бир фуқаро, қайси миллат ва қайси этниқолда мансублигидан қатъи назар, юртимизда ўзини эркин ва қадрли ҳис қилади. Бунини хориқликлар ҳам эътироф этмоқда. Жорий йил Хўжандада ўтказилган Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон Президентларининг тарихий саммитидан кейин ота-онам юрти Фориш туманининг Уҳум қишлоғига бордим. Ушбу қишлоқ юртимизнинг энг қадимий ҳудудларидан. Бу ерга ҳар йили кўплаб чет эллик сайёҳлар келади. Қишлоқда бир гуруҳ сайёҳ олдимиздан чиқди. Улар билан суҳбатлашдик. Тожик миллий маданий маркази раиси эканини билгач, суҳбатимиз ҳам дўстлик, бағрикенглик ҳақида бўлди.

— Отам қозғистонлик, онам қирғизистонлик немислардан, — дейди

ИЛМ-МАЪРИФАТНИНГ СЎНМАС МАЁҒИ

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг асосий вазифаларидан бири ҳам айнан мотуридийлик таълимотини чуқур тадқиқ этиш орқали ёш авлодни миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, бирдамлик каби ислом динининг асл қадриятлари руҳида тарбиялашдан иборат.

Бу йўлда марказ илмий ходимлари ислом динининг тинчлик, бағрикенглик, бунёдкорликка қақирувчи ғояларини аҳоли, айниқса, ёшларга халқчил тарзда етказиш, шунингдек, мутаассиблик, радикализмга қарши курашишнинг илмий-маърифий асосларини ишлаб чиқишга қаратилган қатор тадқиқотларни амалга оширмоқда.



Жорий йил 29-30 апрель кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган халқаро анжуман ҳам айнан “Мотуридийлик —

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АССОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

бағрикенглик, мўътадиллик ва маърифат таълимоти” мавзусига бағишланди. Конференцияда иштирок этган машҳур уламолар, ислоншунос олимлар, таниқли экспертлар мотуридийлик таълимотининг бугунги аҳамияти, Ўзбекистон бутун дунёга бағрикенглик диёр сифатида намоён бўлаётганини эътироф этди.

Сўнгги йилларда янги Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик, диний конфессиялар ўртасида бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш борасида улкан натижаларга эришилмоқда. Жумладан, 16 ноябрь — Халқаро бағрикенглик кунини муносабати билан мамлакатимизда ҳар йили ноябрь ойида бағрикенглик ҳафталигини ўтказиш анъанага айланган.

Бу орқали Ўзбекистоннинг диний бағрикенглик борасидаги улкан тарихий тажрибасини халқаро жамоатчилиқка етказиш билан бирга мамлакатимизда бугун ушбу йўналишда қўлга киритилаётган муҳим ютуқ ва натижаларни кенг тарғиб қилиш, турли конфессия вакиллари ўртасидаги тинч-тотув ҳаётга асосланган конструктив муносабатларини янада ривожлантириш кўзда тутилган.

Навбатчи муҳаррир: Жонибек Алижонов
Мусахҳис: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА яқуни — 00:45

Тошпирилди — 00:45